

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

“Тасдиқлайман”

Малака ошириш тармоқ марказы

директори доцент.

Тошкенбоева Л.А
“ ” 2015 йил

“ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАЛҚАРО ТАЛАБЛАР” МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: проф. Абдуллабекова В.Н.

Тошкент -2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	12
1-мавзу. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблари	12
2-мавзу. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш.....	20
3-мавзу. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда СТД формати. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби.....	29
4-мавзу. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими. ЎзР фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши	40
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	56
ГЛОССАРИЙ.....	57

ИШЧИ ДАСТУР

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Дори воситаларининг сифатини таъминлашда ҳалқаро талаблар модули” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларининг фармация соҳасидаги янгиликлар, ҳалқаро тажриба ва замонавий муаммолар ҳақидаги билимларини ошириш ва такомиллаштириш.

“Дори воситаларининг сифатини таъминлашда ҳалқаро талаблар модули” модулининг вазифалари:

- фармация соҳасидаги ҳалқаро тажрибаларини ўрганиш орқали ўз маҳоратларини ошириш;
- тингловчиларнинг фармация соҳасидаги муаммоларини таҳлил этишда кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фармация соҳасидаги муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиши.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Дори воситаларининг сифатини таъминлашда ҳалқаро талаблар модули” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- фармация соҳасидаги ҳалқаро тажрибаларини педагогик маҳорат билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияларини билиши керак;
- дори воситаларининг сифатини таъминлашда ҳалқаро тажрибаларни соҳага татбиқ этишдаги муаммоларни ҳал қилишда кўнималарга эга бўлиши зарур;
- ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва фармация соҳаси татбиқ этишдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштиришда касбий маҳорат малакаларини эгаллаши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Фармация фанларининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар”, “Фармация фанларини ўқитишида илфор таълим технологиялари” ва бошқа ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳалқаро тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этадилар, муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчинингўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси						
			жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот	жумладан		
1.	Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш.	8	6	2	4	-		2	
2.	Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш.	9	9	2	4	3		-	
3	Дори воситаларининг CTD формати. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби.	6	6	2	4	-		-	
4	Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши.	8	8	2	3	3		-	
5	Дори воситаларининг сифатини назорат қилишининг янгича тенденцияси.	5	5	2	3	-		-	
	Жами:	36	34	10	18	6		2	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш. (2 соат)

Режа:

1. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари.
2. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш.

2-мавзу. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш. (2 соат)

Режа:

1. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқаришнинг бугунги қундаги холати
2. Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилишнинг жаҳон тажрибаси.

3-мавзу. Дори воситаларининг СТД формати. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби (2 соат).

Режа:

1. Дори воситаларининг СТД формати.
2. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби. Ҳалқаро тажриба

4-мавзу. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши (2 соат).

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими.
2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши.
3. Дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг янгича тенденцияси.

5 –мавзу. Дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг янгича тенденцияси (2 соат)

Режа:

1. Дори воситаларининг хаёт цикли
2. Дори воситаларининг сифатига қўйилаётган талаблар
3. Қалбакилаштирилаётган дори воситалари тўғрисида

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш. (4 соат)

Режа:

1. Дори воситалари ва тиббий техника сифатни таъминлашда хозирги замон андозалари ва тажрибаларини ўрганиш.
2. Дори воситаларининг сифатига қўйилаётган ҳалқаро талаблар
3. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш.

2-мавзу. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш. (4соат)

Режа:

1. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналари ва дорихоналарда сифатни бошқариш тизими
2. Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилишнинг АҚШ, РФ, ЕХ ва МДХ давлатларининг тажрибаларини ўрганиш .
3. Дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида сифатни таъминлаш учун мўлжалланган Миллий қоидалар ва стандартларни амалиётга татбиқ этиш

3-мавзу. Дори воситаларининг СТД формати. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби (4 соат).

Режа:

1. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби. Ҳалқаро тажриба
2. Дори воситалари ва тиббий техниканинг қайд қилиш досьеси (СТД).
3. Дори воситалари ва тиббий техника ишлаб чиқариш валидацияси.

4-мавзу. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши (3 соат).

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими.
2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши.

5 –мавзу. Дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг янгиша тенденцияси (3 соат)

Режа:

1. Дори воситаларининг хаёт цикли давридаги сифатни таъминлаш
2. Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини сертификатлаштириш тизими
3. Қалбакилаштирилаётган дори воситалари тўғрисида

КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Тингловчилар Ўзбекистон Республикаси Сиглиқни Сақлаш Вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош Башқармаси ва фармацевтика корхоналари, шунингдек дорихоналарга ташриф буюрадилар. 6с.

1-мавзу. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш. З соат.

Режа:

1. ЎзР ССВ дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош Бошқармаси тузилмаси, мақсад ва вазифалари.
2. ЎзР ССВ дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш ва сертификатлаштириш тизими

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни тъминлаш тизими. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши. Зсоат.

Режа:

1. ЎзР дори воситаларини яратиш илмий марказлари. ЎзР фанлар академияси қошидаги илмий текшириш институтларида олиб борилаётган илмий изланишлар
2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши холати

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби. Ҳалқаро тажриба.
2. Ўзбекистонда Республикасида дори воситалари сифатини тъминлаш тизими.
3. Назорат-таҳлил лабораторияларида сифат тизими ва дори воситаларининг сифатини назорат қилиш.
4. Дори воситалари сифатини назорат қилишнинг замонавий таҳлил усуллари.
4. Қалбаки ёки сифатсиз дори воситаларининг аниқлаш усуллари.
5. Таҳлил усуллари валидацияси.
6. Полимер доривор пардалар ривожланиш истиқболлари.
7. Липосомал дори турлари технологиясини такомиллаштириш.
8. Магнит орқали бошқариладиган дори турларининг фармацевтикада ўрни.
9. Структурали таблеткаларнинг замонавий технологияси.
10. Нанотехнологиялар ёрдамида олинган дори турларининг замонавий шакллари
11. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасида қолдирган мероси
12. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари асари”.
13. Хусусий мулкчилик шароитидан қатъий назар дорихона муассасаларининг вазифалари
14. Фармацевтика ходимларининг лавозим номенклатураси
Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари ва дорихонадаги бўлимлар
15. Ибн Сино меросини ўрганиш борасидаги эришилган ютуқлар

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мағкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
- 11.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 12.Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
- 14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайta тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
- 15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
- 16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони,
- 17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайta тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПФ-4732-сон Фармони.
- 18.Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.

- 19.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
- 20.Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер.учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
- 21.Миралимов М.М. “Фармацевтик технология асослари” Ибн Сино.- 2001, 339 бет.
- 22.Миралимов М.М., Маматмусаева З.Й., Абдуллаева Х.К., Азимова Н. “Фармацевтик технология асослари” фанидан амалий машғулот учун услубий қўлланма. Ибн Сино.- 2004, - 171 бет.
- 23.Юнусхўжаев А.Н. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти.- 1 (287 б.), 2 (334 б.), 3 (433 б.) томлар.- Тошкент.- 2001, 2001, 2003.
- 24.И.И. Краснюк, Г.В. Михайлова, Мурадова Л.И.. Фармацевтическая технология.- Москва.-2011.- 559 с.
- 25.Тихонов А.И., Ямых Т.Г., Зупанец И.А. и др.. Биофармация – Харков.- 2013. – 235 с.
- 26.Государственная фармакопея X изд. – Москва. – «Медицина».- 1968.-1079 с.
- 27.Государственная фармакопея X1 изд.. – Москва. – « Медицина ».- 1987 (333 с.), 1989 (397 с.).
28. Молчанов Г.И. Фармацевтичесие технологии. Учебное пособие. – М.,2013.
29. Фармацевтическая технология. Твердые лекарственные формы: учеб. Пособие./под редакцией С.А. Кедика.-М.,2011.
- 30.Отраслевой стандарт качества лекарственных средств. Основные положения. Издание официальное, Минздрав РУз. – Ташкент, 2002. (Tst 42-01-2002)
- 31.Д.Х.Шах Стандартные операционные процедуры в фармацевтическом производстве, Киев, «Автограф» 2006г.
- 32.The use of essential medicines. Report of the WHO Expert Committee (including the 13th Model list of Essential Medicines). WHO Technical Report Series № 920, 2004, 133 р.
- 33.Беликов В.Г. Фармацевтическая химия. –Москва. МЕДпресс информ, 2009.
- 34.The United States Pharmacopoeia, 2003.
- 35.А.П.Арзамацев и др. Анализ лекарственных смесей, Москва 2000 г.
- 36.Коментарий к руководству Европейского союза по надлежащей практике производства лекарственных средств для человека и применения в ветеринарии. Под редакцией С.Н.Быковского, И.А.Василенко, С.В.Максимов. –М.:Изд-во “Перо”, 2014.-488 с.:ил
- 37.Xolmatov N.X., Ahmedov O'. Farmakognoziya. – 1, 2 qism. - Toshkent. Fan, 2007.
- 38.Ковалёв В.И., Зупанец И.А., Кисличенко В.С., Журавель И.А., Павлий А.И. Основы практической фитотерапии. Учеб. Пособие. - Харьков. – УкрФА, 1999.- 304 с.

39. Ковалёв В.И., Кисличенко В.С. и др. Практикум по фармакогнозии. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Харьков: Изд. НФАУ “Золотые страницы”, 2003.
40. Правила сбора и сушки лекарственных растений (сборник инструкции под ред. Шретера И.И.).- М.: Медицина, 1985. – 327 с.
41. Химический анализ лекарственных растений: Учебное пособие для фармацевтических вузов / Ладыгина Е.Я., Сафонич Л.Н., Отряшенкова В.Э. и др. Под ред. Гринкевич Н.И., Сафонич Л.Н. – М.: Высшая школа, 1983. – 176 с.
42. Сборник нормативных актов по нормированию фармацевтического производства (стандарты GMP, Москва, 2000).
43. Trease and Evan's Pharmacognosy (14th edition). – London: WB Sanders Company Limited, 1996.
44. European Pharmacopoeia. 3rd Edition.- Strasbourg: Council of Europe, 1997.
45. The International Pharmacopoeia. Third Ed. - V.1. General methods of analysis.– Geneva: WHO, 1979.
46. The United States Pharmacopoeia. The National Formulary. – Toronto, 2003. A.N. Yunusxo'jaev, Q.A. Ubaydullaev va b. Dori vositalarining zamonaviy tahlil usullari Toshkent. 2010.
47. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2000 yil 21 apreldagi 195 – son “Dorixona sharoitlarida tayyorlanadigan dori vositalari sifatini yaxshilash borasida” gi buyrug'i.
48. Ubaydullaev Q.A, M.B. Mavlyanova, A.Q. Saidvaliyev. Farmatsevtik komyodan ma'lumotnoma. Toshkent, 2010.
49. “Farmatsevtik kimyo” elektron darslik. Prof. A.N. Yunusxo'jaevning umumiylahiri ostida. Toshkent, 2009.

Интернетдаги маълумотлар қўйидаги сайтлардан олинади:

1. www.wikipedia.com
2. www.pharmapractice.ru
3. www.remedium.ru
4. <http://www.who.int/medicines/publications/essentialmedicines/en/>.
5. www.pharmvestnik.ru
6. <http://www.freepatent.ru>.
7. <http://www.rusvrach.ru/articles.com>.
8. <http://www.vmiretrav.ru/travi>
9. <http://www.phamax.m/articles>.
10. <http://www.pravoteka.ru>.

КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот түри	Соати	Ўтказилиш муддати
1	Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш.	Маъруза/амалий	2/4	ойнинг учинчи ҳафтаси
2	Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш	Маъруза/амалий	2/4	ойнинг тўртинччи ҳафтаси
3	Дори воситаларини ишлаб чиқариш СТД формати. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби	Маъруза/амалий	2/4	ойнинг учинчи ҳафтаси
4	Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими. ЎзР фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши.	Маъруза/амалий	2/3	ойнинг учинчи ҳафтаси
5	Дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг янгича тенденцияси	Маъруза/амалий	2/3	ойнинг тўртинччи ҳафтаси

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблари

Режа:

1. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари.
2. Дори воситаларини GMP, GLP, GCP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш.

Таянч иборалар: дори воситалари, сифатни таъминлаш тизими, GMP, GLP, GCP

ДВ дунёнинг барча мамлакатларида талаб этиладиган универсал маҳсулот бўлиб, унинг сифати инсон организмига ҳавфсизлиги ва самардорлиги билан белгиланади. ДВ нинг дунё бозоридаги нархи 600 миллиард АҚШ доллардан ортиқ баҳоланган (2009 й), 12% миллатлараро фармацевтик компаниялар ўзнинг маҳсулоти билан қарийб дунё фармацевтика бозорининг 80% ни ыамраб олган ва у ДВ га дунёвий аҳамиятга эга бўлган маҳсулот сифатида қарашга олиб келмоқда. Бу эса турли регион ва мамлакатлар ўртасида дори воситалари муомаласи соҳасидаги барча меъёрий ва қонун чиқарувчи актларни уйғунлаштириш зарур эканлигини тақазо этмоқда.

Бугунги кунга келиб дори восталари муомаласи соҳасида хужжатларни тартибга солиш бўйича бир қанча ҳалқаро ва регионал ташкилотлар фаолият юргазмоқдалар, масалан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO), фармацевтик инженеринг ҳалқаро ассоциацияси (“International Society for Pharmaceutical Engineering”- ISPE), “фармацевтик инспекциялар (GMP бўйича инспекторлар) ҳамкорлик схемаси” (“Pharmaceutical Inspection Cooperation Scheme” -PIC/S), ҳалқаро фармацевтик ташкилот (FIP), регионал: ДВ рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғунлаштириш (гармонизациялаш) бўйича Ҳалқаро конференция – ICH (International Conference of harmonization, www.ich.org), Осиё жануби-шарқий давлатларининг ҳамдўстлик ташкилоти (ASEAN), Европа фармакопеясини яратиш бўйича Конвенция ва б.

Дунёнинг кўпгина давлатларда тиббиётда қўллашга рухсат этилган ва фойдаланишга кириб келаётган ДВ нинг сифати уларни ишлаб чиқариш жараёнини лицензиялаш орқали таъминланмоқда. Бунда ДВ яхши ишлаб чиқариш амалиёти - GMP - Good Manufacturing Practice (ДВ ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидалари) тамойилларининг талаблари асосида ишлаб чиқарилиши керак бўлади.

Дори воситаларининг дунё бозори талабларига мос келишини тасдиқлаш учун муайян сертификатлаштириш жараёнини ўтказиш зарур. ДВ муомаласи

соҳасидаги сертификатлаштириш уларнинг сифати, ҳавфсизлиги ва самарадорлиги, шунингдек сифатни таъминлаш ва сифатни бошқаришни мослигини тасдиқлаш билан боғлиқ. Ҳалқаро бозордаги савдо-сотиқ учун ДВ ни сертификатлаштириш тизими WHO томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий қисми бўлиб GMP талабларига мос келиши хисобланади. GMP талабларига риоя қилишдан ташқари ишлаб чиқарувчилар учун мамлакатда дори воситаларини рўйхатдан ўтказувчи ва уларни доимий текширувчи (2 йилда 1 мартадан кам бўлмаган) инспекция тизими ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган бўлиши зарур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) Бирлашган миллатлар ташкилотининг маҳсус агентлиги сифатида 1948 йилда ташкил топган. Бугунги кунда 192 та давлат мазкур ташкилотга аъзо. Унинг фаолиятини дунёning айrim регионларида жойлашган 6 та регионал бюородан ташкил топган штаб-квартира секретариати бошқаради. Ташкилотнинг салмоқли ишлари аъзо-давлатлар томонидан олиб борилади. Мазкур ишларни Соғлиқни сақлаш вазирликлари, марказлар, WHO эксперtlари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ва мутахассислар бажарадилар.

WHO нинг стратегик мақсади қуидагилардан иборат:

- ўлим, касалланиш ва ишга лаёқатсизликни камайтириш;
- соғлом ҳаёт кечириш тарзини қўллаб – қувватлаш, атроф-муҳит ва касалликлар билан боғлиқ бўлган ҳавф-хатар омилларини камайтириш;
- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш;
- илғор соғлиқни сақлаш ташкилотларининг сиёсатини юргазиш ва ташкил этиш.

WHO нинг Уставига (Конституцияси) биноан унинг вазифаларига энг аввало озиқ-овқат, дори, биологик ва бошқа маҳсулотлар учун ҳалқаро стандартларни ишлаб чиқиш киради. Унинг меъёрий ҳужжатлари мажбурий ҳисобланмайди, балки улардан фойдаланиш характеристи миллий даражада, яъни WHO га аъзо ҳар бир давлатнинг қарорига кўра мажбурий, тафсия даражасида ҳал этилади. Ташкилот таклифлар, услугий кўрсатмалар ва олиб борилган ишлар юзасидан маъruzалар тайёрлайдиган эксперtlар кўмиталарининг ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қиласи.

ДВ учун ишлаб чиқилган талабларни уйғунлаштириш (гармонизация) учун таклиф этилган ташкилот материалларидан GMP ва GCP қоидалари, фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш тартиб - қоидалари бўйича таклифлар, турғунлиги ва биоэквивалентликни ўрганиш бўйича услублар, дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналари ва уларни тарқатиш йўлларини инспекциядан (текширувдан) ўтказиш, Ҳалқаро фармакопеялар, ҳалқаро биологик стандартларни тузиш каби фаолиятини алоҳида эътиборга лойиқ деб такидлаш жоиз.

Инсонлар учун қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғунлаштириш (гармонизациялаш) бўйича Ҳалқаро конференция (ICH). Бутун дунёда фармацевтик ишлаб чиқаришда глобалашув жараёнининг ривожланиб кетиши, турли давлатлардаги ҳар хил миллий стандартларнинг мавжудлиги дори воситаларини рўйхатдан

үтказишни қийинлашишига олиб келди ва бу 1989 йилда WHO нинг Парижда дори воситаларини тартибга солиш бўйича бўлиб ўтган конференциясида мазкур масала ўз ечимини топишига сабаб бўлди. 1990 йилда АҚШ, Европа ҳамжамияти (EX) ва Япония давлатлари агентлигининг тартибига солиш органлари намоёндалари ва ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси томонидан гармонизациялаш бўйича Ҳалқаро конференция - ICH ташкил этилди (www.ich.org) (ICH Женевадаги фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг Ҳалқаро федерацияси штаб-квартирасида жойлашган).

Бугунга кунга келиб ICH таркибига 6 та аъзо, 3 та назоратчи (овоз бериш хукуқига эга эмас) ва фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг Ҳалқаро федерацияси (IFPMA) кирган.

ICH бошқарув органида EX, АҚШ ва Япониядан иккитадан вакил, биттаси давлатнинг назорат органи томонидан, иккинчиси эса мазкур давлатнинг инновацион фармацевтика ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси-томонидан фаолият юргазадилар. Шунинг учун ушбу ташкилотни баъзида “уч томонлама ташаббус” деб ҳам аталади.

1. EX дан:

- дори-дармонларни баҳолаш бўйича Европа агентлиги (EMEA);
- фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг Европа федерацияси (EFPIA);

2. АҚШдан:

- дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича Администрацияси (FDA);
- АҚШ фармацевтика ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси (PhRMA);

3. Япониядан:

- Япония ССВ (MHW)дори воситалари ва тиббий техника, меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Агентлиги ва соғлиқ соҳаси бўйича Миллий илмий институти;
- Япония фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (JPMA).

ICH нинг кузатувчиларига WHO, эркин савдо қилиш Европа Ассоциацияси ва Канада ССВ киради.

Бугунги кунга келиб ICH раҳбарияти қуидаги 4 та асосий йўналиш бўйича фаолият юритмоқда:

ҳавфсизлик – S (Safety, безопасность)

самарадорлик – E (Efficacy, эффективность)

сифат – Q (Quality, качество)

соҳалараро хужжатлар – M (междициплинарные документы)

ICH нинг асосий мақсади:

- инсон, биологик ва материал ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш;

- инновацион препаратларни татбиқ этиш жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этиш;

- сифат, самарадорлик ва ҳавфсизликни таъминлашга риоя қилган ҳолда янги дори воситалардан кўпроқ фойдаланишни амалга ошириш.

ICH нинг вазифалари:

- дори воситаларини амалиётга тезлик билан кириб келишини ва беморларга тез етиб боришини таъминлаш мақсадида тартибга солувчи органлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида конструктив диалог олиб бориш мақсадида форумлар ташкил этиш (дори воситаларини рўйхатдан ўтказишдаги фарқлар);
- дори воситаларининг мониторингини олиб бориш ва уйғунлашган (гармонизация) техник талабларни янгилаш;
- уйғунлаштириш (гармонизациялаш) ёрдамида терапия ва янги технологияларни ривожлантириш мақсадида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш техник талаблардаги фарқни олиб ташлаш;
- уйғунлаштирилган (гармонизациялаш) йўриқномаларни тушунтириш ва тарқатиш;
- талабларни умумлаштириш.

Инсонлар учун дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғунлаштириш (гармонизациялаш) техник мухокамалар, Давлат назорати, ICH доирасидаги консультациялар, матнларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, ICH қарорларини миллий органлар томонидан қабул қилиниши орқали амалга оширилади. ICH доирасида дори воситасининг ҳавфсизлигини - клиникагача бўлган синовлар (захарлилик, канцерогенлик, фармакокинетика, токсикокинетика, репродуктив заҳарлиликни ўрганиш), клиник синовларни ўтказиш бўйича режаларни тузиш, ҳавфсизлик мониторингини олиб бориш, клиник синовларни ўрганиш режасини тузиш ва назорат қилишда коммуникация муаммолари (фаоллилиги) ва сифат (турғунликни ўрганиш, аналитик усуллар валидацияси, ёт моддаларга синовлар ўтказиш, фармацевтик ишлаб чиқариш ва спецификация) каби саволларга ечим топилади.

ICH Q10- мақсадлари:

- “Маҳсулотнинг бозордаги айланмаси”- ишлаб чиқариш, истеъмолчи талабларини таъминлаш (регистрационное досье)
- маҳсулот сифати ва назоратнинг жараёнга нисбатан ҳолати
- яхшиланишларнинг узлуксизлиги таъсири
- GMP талабларининг ICH билан боғлиқлиги.

Дори воситалари сифатини назорат қилиш

- ICH Q9 (управление рисками качества) «Сифат: маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етиб боргунча бўлган жараённи талабга жавоб бериш даражаси» (ICH Q6A)

- ICH Q6A «Талаблар: bemorlar кутаётган натижаларни берадиган талаблар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етиб боргунча бўлган жараёнга қўйилган талаблар».

- ICH Q6A «Сифат: қўлланишга тавсия қилинган дори моддаси ва дори препаратининг яроқлилиги».

Шундай қилиб ICH доирасидаги услубий қўлланмаларни тузишда асосан WHO, Япония, Европа иттифоқи давлатлари ва АҚШ нинг клиник

синовларни ўтказиш бўйича қоидалардан (GCP) фойдаланилган ва унда мазкур ҳужжатларнинг уйғунлашуви ўз ифодасини топган.

Стандартлаш бўйича Ҳалқаро ташкилот (**International Organization of Standardization- ISO**) (www.iso.org) Бирлашган миллатлар ташкилоти (ООН) томонидан 1946 й октябр ойида ташкил этилган.

Унинг асосий вазифаси - ҳалқаро савдо-сотик ва илмий-техникавий тариқиёт ривожланишига кўмаклашадиган ҳалқаро стандартларни (тавсияномалар) ишлаб чиқиши. Жами ISO таркибида 100 қўмита-аъзолар, улардан ташқари аъзо-мухбирлари бор (ривожланаётган мамлакатлар учун). Ҳалқаро стандартларни (тавсияномалар) ишлаб чиқиши учун қатор комиссия ва қўмиталар ташкил этилган ва тасдиқланган. Буларга:

- Ҳалқаро электротехника комиссияси (МЭК) тиббиёт электротехника воситаларининг ҳавфсизлигини белгилаб берадиган стандартларни ишлаб чиқувчи қўмита.
- Меъёрлаштириш бўйича Европа қўмитаси (ЕКН),
- Электротехникавий меъёрлаштириш бўйича Европа қўмитаси (ЕКЭН),
- Сифатни назорат қилиш бўйича Европа ташкилоти (ЕОКК) ва бошқалар киради.

МЭК ва ISO да жами ташкил этилган:

Тиббиёт маҳсулотларини стандартлаш бўйича 14 техника қўмитаси; секретариатлар - 7 тасини Германия, 3 - АҚШ, 2 – Буюк Британия, 1-Швеция ва 1- Дания олиб боради.

ISO илк бор 1987 й Британия стандарти 5750 асосида ISO 9000 сифат тизими бўйича ҳалқаро стандартини ишлаб чиқди. 1994, 2000 ва 2008 йй мазкур стандарт қайта кўриб чиқилди ва унга стандарт сифатида эмас балки сифат менеджменти тизими (СМТ) сифатида қараладиган бўлди.

ISO нинг ташкилий тизими *раҳбар органлар ва. техник қўмиталардан иборат. Раҳбар органларга* Генерал ассамблея ва кенгаш кирса, *техник қўмиталарга* техник раҳбар бюро, комитетлар ости ва техник консультатив гурухлар киради.

ISO 9000 серия қоидаларини 190 тадан ортиқ мамлакатлар қабул қилган. ISO 9000 серия қоидалари маҳсулотнинг ҳаётий даврини барчасини ўз ичига олиб, унда сифатга қўйиладиган талаблар истеъмолчининг шахсан иштирокида ишлаб чиқилади. Сифатни таъминлашнинг анъанавий усулларида сифат билан боғлиқ бўлган муаммоларни турли хил тузатишлар киритиш ёрдамида ҳал этилар эди. Эндиликда мазкур қоидаларга муаммоларни ечиш бўйича талаблар киритилди.

Шунингдек, аудит жараёнига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Агар аввалари аудиторнинг вазифаси фақатгина сифатнинг қўйилган стандартда келтирилган талабларга мос келишини текширишдан иборат бўлса, эндиликда ISO стандартларининг янги таҳририда СМТ таркибига сифатни доимий равишда мукаммаллаштириш жараёнини киритиб бориш талаб этиладиган бўлди. Шундай қилиб, аудитор фақатгина сифатнинг қўйилган стандартда келтирилган талабларга мос келишини текширибгина қолмай,

балки олинган натижаларни таҳлил этиб, доимий равишда сифатни ошириб бориш устида ҳам ўйлаши талаб этилди.

Бугунги кунда янги ISO 15378:2006 ҳужжат ишлаб чиқилди. Мазкур стандарт фармацевтика соҳаси эксперлари иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, у сифат менежменти ISO 9001:2000 ва тиббиёт маҳсулоттини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш ва бирламчи ўрам материалларни етказиб бериш бўйича GMP тамоилларини ўз ичига олган.

ISO 9000 – 3 та асосий стандарт ва турли хил раҳбар йўриқномаларни ўз ичига олади.

- ISO 9000:2005 Сифат менежменти тизими – Асосий қоидалар ва луғат;
- ISO 9001:2008 Сифат менежменти тизими – талаблар (сертификатлаштириш учун қўлланиладиган ҳалқаро стандарт);
- ISO 9004:2009 Сифат менежменти тизими - фаолиятни яхшилаш бўйича таклифлар (доимий юқори ютуқларга эришиш учун ташкилот раҳбарияти сифат менежменти тизимидан қандай фойдаланиш кераклиги ифодаланган).

ISO 9004:2009 да ICHQ10 дан фойдаланиш таклифлари берилган бўлиб, унинг асосида PDCA (Plan-режа, Do-бажар, Check-текшир ва Act - ҳаракат қил (воздействуй)) мажмуаси ётиди.

Фармацевтик инспекциялар (GMP бўйича инспекторлар) бўйича ҳамкорлик конвенцияси (PIC). Мазкур Конвенция 10 та Европа давлатлари ва Австралиянинг Соғлиқни сақлаш миллий органлари томонидан 1970 йилда имзоланган. **PIC** нинг асосий мақсади:

- GMP бўйича инспекцияларни ўзаро тан олиш;
- GMP талабларини уйғунлаштириш;
- фармацевтик инспекциялар тизимининг бир хиллигини таъминлаш;
- GMP инспекторларини тайёрлаш;
- маълумотлар билан алмашиш;
- ўзаро ишонч.

Ўтган асрнинг 90 йиллар бошларида Европа иттифоқи ва PIC ўртасида келишмовчиликлар юзага келди. Бунга сабаб PIC аъзоси бўлган баъзи Европа иттифоқи давлатлариға Конвенцияга аъзо бўлмоқчи бўлган Европага кирмаган давлатлар билан битим тузишга рухсат берилмади. Бу вақтда мазкур давлатлар билан битим тузиш ҳуқуқи фақат PIC аъзоси бўлмаган Европа Комиссиясига берилган эди. Шунинг учун PIC ни кенгайтириш мақсадида 1995 йилда фармацевтик инспекциялар бўйича ҳамкорлик схемаси –PIC/S тузилди. PIC/S таркиби давлатлар эмас балки GMP қоидаларига риоя қилишни таъминловчи PIC/S аъзоси бўлган 26 та давлатнинг инспекторлари кирди.

PIC/S нинг мақсади:

- GMP бўйича инспекциялар соҳасидаги масъул давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- масъул давлат органлари ўртасида маълумотларни тақдим этиш ва тажриба алмашиш;
- GMP инспекторлари ва экспертларини тайёрлашни мувофиқлаштириш;

- дори воситаларини ишлаб чиқарувчиларни инспекциялаш жараёнлари ва техник стандартлари, шунингдек дори воситалари сифатини назорат қилиш лабораторияларидаги назоратни уйғунлаштириш ва такомиллаштириш;
- GMP ни ривожлантириш, уйғунлаштириш ва қўллаб-куватлашда кўмаклашиш;
- глобал уйғунлаштириш мақсадида эквивалент стандартлар ва жараёнлар ҳисобига масъул давлат органлари ўртасида кооперацияни кенгайтириш.

PIC/S дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг GMP талабларига жавоб беришини текширувчи давлат органларини инспекцияловчи нуфузли ҳалқаро орган бўлиб, инспекциялаш тизими, GMP талабларига мос келиши ҳақида холоса бериш; қонуний талабларнинг бажарилиши юзасидан назоратни, шунингдек инспекторлар ва эксперталарни тайёрлашни таъминлайди.

Яхши ишлаб чиқариш амалиёти - GMP - Good Manufacturing Practice – бу сифатни таъминлаш тизимининг бир қисми бўлиб, у маҳсулотни доимий ишлаб чиқарилишини ва сифат стандартлари асосида назорат этилишини таъминлайди. GMP қоидалари биринчи навбатда ҳар бир фармацевтик ишлаб чиқаришда бўлиши мумкин бўлган ва тайёр маҳсулотнинг назорат партияларини текширишлар ёрдамида йўқотиб бўлмайдиган ҳавф-хатарни камайтиришга қаратилган.

GMP нинг ilk қоидалари 1963 йилда АҚШ да қабул қилинган ва тадбиқ этилган. Унга кўра:

- дори воситаси сифати тайёр маҳсулот таҳлили орқалигина таъминланмайди;
- у дори воситасини ишлаб чиқариш жараёнида таъминланиши лозим;
- бу жараённи назорат қилиш лозим;
- GMP фармакопеявий назоратни оширади.

Яъни GMP бу:

- фақтина энг яхши маҳсулотларни ишлатиш;
- ўз вазифаларини тўлиқ ва сидқилдан адo этадиган юқори малакали ходимлар;
- сифатни таъминлаш;
- бажарилиши лозим бўлган жараёнларни расмийлаштириш, улар асосида бажариш ва ниҳоят бажарилган ишларни расмийлаштириш;
- хужжатга мос равищда сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш кафолатини берувчи технологиялардан фойдаланиш;
- ҳавф-хатарни олдини олиш;
- тозалик ва гигиенага амал қилишдир.

Бугунги кунда GMP қоидалардан 40 тадан ортиқ мамлакатлар фойдаланмоқдалар ва 140 тага яқин мамлакатлар тан олганлар. Иштирокчи мамлакатларнинг маҳаллий GMP қоидалари ҳам мавжуд «Соглашения по фарм контролю» (GMP PIC), Европа Иттифоқи давлатларининг GMP

қоидалари (**GMP EU**), **GMP ASEAN** (**Жануби-шарқий Осиё** давлатлари иштирикчиларнинг Ассоциацияси), шунингдек WHO нинг ҳалқаро талаблари (**GMP WHO**) шулар жумласидандир.

GMP элементлари ДВ ҳаётай даврининг барча босқичларида тадбиқ этилмоқда, яъни яхши лаборатория амалиёти GLP- Good Laboratory Practice, G(Q)CLP - Good (Quality) Control Laboratories Practice, GCP -Good Clinical Practice - яхши клиника амалиёти, GDP-Good Distribution Practice -яхши улгуржи савдо амалиёти (распределение), GSP // GTDP - // Good Storage Practice // Good Trade and Distribution Practice – яхши саклаш, сотиш ва дистрибуция амалиёти,GPP - Good Pharmaceutical Practice - яхши фармацевтика амалиёти(аптека), GRP - Good Regulation Practice- яхши тартибга солиш амалиёти, GEP – Good Education Practice- яхши таълим олиш амалиёти ва GxP-Good X Practice (кодекслар стандарти).

GMP талаблари асосида ишлаб чиқаришнинг қатъий низомлари:

- GMP талаблари асосида дори препаратларини ишлаб чиқариш (сифатини назорат қилиш, сифат хатоликлари бошқаруви) орқали дори воситалари сифатини таъминлаш;
- сифат стандартлари асосида маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги ва назорат қилинаётганлигини билдирадиган, сифатни таъминловчи тизим мавжудлиги.

2-мавзу. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш ва назорат қилиш

Режа:

1. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқаришнинг бугунги кундаги холати
2. Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилишнинг жаҳон тажрибаси.

Таянч иборалар: сифатни бошқарии, регламент, сифатни назорат қилиши, назорат таҳлил лабораториялари

Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш деганда маҳсулотни белгиланган тартибда ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва тайёр дори воситасини ишлаб чиқариш ҳаётий даврини назорат этиб бориш тушинилади ва у қўйидаги қисмлардан иборат:

- сифатни таъминлаш
- яхши ишлаб чиқариш амалиёти
- сифатни назорат қилиш.

Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида сериялаб (туркум) чиқарилаётган дори воситаларининг технологияси ва сифатини назорат қилишда асосий хужжат бу ишлаб чиқариш регламентидир. Мазкур регламент ишлаб чиқарувчи корхона билан соҳанинг илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигига ишлаб чиқилади. Регламент таркибида дори воситасининг сифатига қўйилган талаблар келтирилади ва улар худди ФМ, ВФМ ва КФМ каби ҳуқуқий хужжат бўлиб ҳисобланади. Белгиланган талабларни бажарилиши сифатни назорат қилиш бўлимига юклатилади. Саноат регламенти босқичма-босқич ишлаб чиқилади:

1. Лаборатор регламенти (лаборатория шароитида ишлаб чиқариш).
2. Тажриба – саноат регламент ва лойиха хужжатлари асосида (тажриба участкасида дори воситасини ишлаб чиқариш ва унинг сифатини баҳолаш).
3. Тажриба-саноат регламенти ва техник-иътисодий қўрсаткичлари асосидаги лойиха хужжатлари бўйича янги дори моддаси ёки дори шаклини ишлаб чиқиши (пусковой регламент).
4. Саноат регламенти.

Саноат регламенти бир неча қисмлардан иборат, жумладан техник ва аналитик назорат ўтказиш қисми. Мазкур қисмда сифатни назорат этиш тартиби аниқ қилиб белгиланган, яъни назорат объекти ва воситалари, назорат этилиши шарт бўлган ўлчамлар, уларнинг меъёрлари, тозалаш усуслари ва такрорланиши.

Мазкур регламентнинг “ишлаб чиқариш назорати” қисмida назоратнинг босқичма-босқич ўтказилиш тартиби ва кетма-кетлиги баён этилади. Технологик жараённинг таҳлил учун намуна олиш нуқталари ва намуналарни таҳлил қилиш усуслари, шунингдек текширилиши шарт бўлган ўлчамлар

рўйхати келтирилади. Регламентда яна хом ашё, яrim тайёр, оралиқ маҳсулот, ёрдамчи воситалар ва тайёр маҳсулотларни назорат қилиш тизими ёритилади, хом ашё ва ёрдамчи воситалар назорати ишлаб чиқаришдан аввал олиб борилади.

Регламентнинг “охирги (тайёр) маҳсулот тавсифи” бўлимида маҳсулотнинг хоссалари, тури ва қадоқ шакллари, турғунлигига таъсир этувчи омиллар (ёруғлик, намлик, кислород ва карбонат ангидриди, босим, pH ва x.к.) ва б. баён этилади.

Қайд этилган ҳолатларда энг муҳим ўринни аналитик таҳлил усуллари эгаллайди. Аналитик таҳлил З хил даражада олиб борилади:

Биринчи локал даража - фақат битта жараён (битта реакция, буғлатиш, фильтрлаш ва б.) назорат этилади. Мазкур ҳолатда оралиқ маҳсулот ҳосил бўлади ва у кейинги тозалаш босқичига ўтказилади. Бундай ҳолатларда тезкор усуллар, яъни жараённи тўхтатиб қўёлмайдиган рефрактометрия, колориметрия, pH метрия, ГСХ ва ЮССХ услублардан фойдаланилади.

Иккинчи босқичда назорат ёки аналитик таҳлил технологик жараённинг барча босқичларида, шунингдек тозалаш ва ажратиб олиш каби жараёнларда олиб борилади. Ушбу босқичда яrim тайёр маҳсулот ҳосил бўлади. Ушбу ҳолатларда селлектив физика-кимёвий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: хроматографиянинг барча турлари, спектрофотометрия, полярография, потенциометрик титрлаш ва б. Мазкур назоратнинг мақсади кейинчалик ишлаб чиқаришда тузатиш мумкин бўлган ўлчамларни аниқлашдир.

Назоратнинг энг юқори З-даражасида тайёр маҳсулотнинг сифати ва сонини, шунингдек хом ашё ва энергиянинг сарф-харажатини ҳам аниқлаш имконини бериши лозим. Таҳлиллар МХ (ФМ, ВФМ, КФМ) асосида олиб борилади ва бунда усулнинг селективлиги ҳамда аниқлиги аҳамиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида аналитик назоратни олиб бориш сифатни назорат қилиш бўлими ёки техник назорат бўлими (СНҚБ) зиммасига юклатилади. СНҚБ юқори малакали ходимлар, замонавий асбоб-ускуналар тўплами, реактивлар, МХ да келтирилган аналитик усуллар ва босқичли назоратни ўтказиш йўриқномалари билан таъминланган бўлиши керак.

СНҚБ ходимлари тасдиқланган йўриқномалар асосида хом ашё, ёрдамчи ва қадоқловчи маҳсулотлар, яrim тайёр ва тайёр маҳсулотлардан намуна оладилар ва МХ мувофиқлиги бўйича кириш назоратини олиб борадилар.

СНҚБ таркиби ишлаб чиқариш хажми ва хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Унинг таркибига кўпинча назорат таҳлил (контрольно-аналитическая), биологик, токсикологик ва бошқа лабораториялар киради. СНҚБ корхона директорига бўйсунмайдиган эркин фаолият юритувчи бўлим ҳисобланади (сифатни таъминлаш бўйича Директор). Бўлим корхона директори буйруғи асосида тузилади ва тарқатиб юборилади. СНҚБ бошлиги корхона директори буйруғи асосида тайинланади ва лавозимидан озод

қилинади. СНҚБ бўлими бошлиғи сифатида бошқарув бўлимида З йил фаолият юритган, олий маълумотли фармацевт, химик-технолог, биотехнолог ва тиббиёт ходимларини тайинлаш мумкин. СНҚБ бошлиғи ўз ўринбосарига эга ва унинг фаолияти СНҚБ бошлиғи томонидан белгилаб берилади. Ўринбосар ва бошқа лавозимларга ходимлар СНҚБ бошлиғи тавсияси ва директор буйруғи асосида ишга қабул қилинади ва лавозимидан озод қилинади. Бўлим ўз фаолиятида корхонага ва сифатни назорат қилишга оид қонунлар, услубий қўлланмалар, бўйруқлар ва ишлаб чиқаришдаги сифатни назорат қилишга оид ҳужжатлар билан ишлайди.

Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида яхши лаборатория амалиёти сифатни таъминлаш тизимининг энг асосий бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади, у GMP талаблари асосида ташкил этилган ва фаолият кўрсатиши керак. Корхонада сифатни таъминлаш тизими фаол ишлаши учун сифатни назорат қилиш бўлими (СНҚБ) ва сифат назорати лабораторияси ташкил этилган бўлиши керак. Сифатни назорат қилишга қўйилган талаблар сифат менежменти тизимининг бўлинмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Корхонада сифатни назорат қилиш учун тегишли тузилиш, штат ва ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак, чунончи:

- инструкциялар ва ишларни тўғри бажариш учун СОЖ (СОП)
- хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлган инструкциялар
- ҳужжатлар айланишининг тартиб қоидалари
- услубий таъминот.

СНҚБ ва лаборатория керакли хоналар, жихозлар, асбоб-ускуналар, реактивлар, стандарт намуналар, жониворлар ва материаллар билан таъминланган бўлиши керак.

СНҚБ нинг асосий вазифаларига қуидагилар киради:

- кириш назорат
- ишлаб чиқаришнинг босқичли (постадийный-операционный) назорати
- ходимлар назорати
- атроф-муҳит назорати
- ишлаб чиқариш бинолари ва жихозларининг назорати
- тайёр маҳсулот назорати
- тўғрилаш ҳаракатларининг назорати
- шикоятлар назорати.

Тарозлар турган жой вибрация ва электромагнит нурланишлардан йироқда жойлашган; намуналар олинадиган ва хроматографик асбоб-ускуналар жойлашган хоналарда тортадиган мўрилар билан таъминланган; намуналар олинадиган, спектрал ва хроматографик асбоб-ускуналар жойлашган хоналар бир – биридан ажратилган, шунингдек, архив намуналар, реактивлар, стандарт намуналарни сақлаш хоналари алоҳида жойлашган бўлиши лозим.

Микробиологик ва физик-кимёвий таҳлил лабораториялари алоҳида алоҳида жойлашган, микробиологик лаборатория хонаси ҳавони тозаловчи блок ва ҳавони тортиб олувчи мўри билан жихозланган бўлиши керак.

Лабораторияларда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар, таҳлил усуллари барчаси валидацияланган бўлиши лозим. Шунингдек, асбоб-ускуналар, барча қўлланилаётган кимёвий ўлчов идишлари Давлат стандартининг реестрига киритилган ва сертификатлаштирилган бўлиши талаб этилади. Ўлчов асбоблари йилда бир марта калибрланиб турилиши керак.

Назорат тамоиллари:

- малакали ходимларнинг бўлиши
- раҳбариятга сўзсиз бўйсимиш
- сифатли иш
- ички аудит

СНҚБ корхонанинг бошқа бўлимлари, жумладан корхона раҳбарияти, масъул шахс ва сифатни таъминлаш каби бўлимлар билан ҳамкорликда ишлайди. Лабораторияларда фаолият юритаётган ходимлар доимий равишда ўз малакаларини ошириб боришлини лозим. Бунинг учун малака ошириш режаси тузилади, малака ошириш имтихон топширилади ва атtestat олиш билан тугалланади.

СНҚБ нинг вазифалари:

- Дори воситалари ишлаб чиқаришини ташкил этиш, лойихасини тузиш, мухандислик тизими, жиҳозланганлик даражаси, атроф-муҳит таъсири, намуна танлаш, тажрибаларни олиб борилиши, усулларни валидациялаш ва ҳужжатлаштириш
- Ҳужжатлар асосида ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сериясининг сифатини таъминлаш
- ВФМ талабига жавоб бермайдиган дори воситаларининг ишлаб чиқаришни тўхтатиши
- Аналитик таҳлилда ҳар бир жараённинг стандартлар асосида тўлиқ бажарилишини таъминлаш
- Ишлаб чиқаришда сифатини таъминлайдиган жараёнларни самарадорлигини ошириш
- Хом ашё, қадоқлов материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларнинг сифатлилигини таъминлаш
- Тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш, сақланиш жараёнидаги турғунлигини кузатиши
- Хом ашё, қадоқлов материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларнинг сифатлилигини ҳужжатлаштириш
- Ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бошқарув булимига маълум қилиб, уларни ҳал этиш ёки жараённи тўхтатиши
- Ишчи инструкцияларни ишлаб чиқиш (СНҚБ фаолиятига тегишли стандарт операцион жараён -СОЖ).
- Технологик регламентлар асосида дори воситалари сифатини таъминланаётганини ички назорат ва аудит ўтказиш билан аниқлаш
- Жой ва жиҳозларнинг валидациясида қатнашиш.
- Ходимларнинг малакасини ошириш ва атtestация жараёнида қатнашиш.

• Ишлаб чиқарилаётган дори воситаси учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш (ФСП, технологик регламентлар, спецификациялар) ва ўзгартеришлар киритиш

• Маҳсулот сифати ҳисоби, ишлаб чиқарилган маҳсулот талабга жавоб бермаган таҳлилда хатоликларини аниқлаш, ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ҳал қилиш ва ҳисобини олиб бориш.

• Дори воситалари ишлаб чиқаришда микробиологик мониторинг ўтказиш

• Технологик жараёнда ишлатиладиган маҳсус кийимлар назорати

• Тозаланган ва инъекция учун ишлатиладиган сувнинг биологик, физик-кимёвий назорати

• Сифатсиз бўлган дори воситаларнинг йўқотилишини таъминлаш

• Ҳар бир серия маҳсулотларнинг намуналарини талаб этилган шароитларда архивда сақлаш

• Янги аналитик таҳлил усуллар сифатини назорат қилишни таъминлаш ва уларни валидациялаш

• Қадоқлаш ва ёрлиқлашни назорат қилиш

• Маҳсулот турғунлиги назоратини таъминлаш

• Маҳсулот сифатига тегишли рекламациялар ишлаб чиқиш.

Назорат таҳлил лабораторияси ихтиёрида маҳсулот сифатига қўйилган талаблар ва уларни таҳлил усуллари келтирилган ҳужжатлар, меъёрий ҳужжатлар (ФМ, ВФМ, КФМ, ДФ, ТХ), ўлчов воситалари ва асбобларни ишлатиш бўйича, тадқиқотлар натижалари ва маълумотларни сақлаш тизимини белгиловчи ва таҳлилларни олиб бориш тартиби келтирилган ҳужжатлар бўлиши керак. Шунингдек қайд этиш тизимига, жумладан таҳлил учун тушган дори воситаларининг намуналари, таҳлил натижалари, хисоблари, таҳлил протоколлари, намуналарни олган шахсларни қайд этиш ва х.к.

Дори воситалари сифатини назорат қилиш марказлари (ёки лабораториялар) регионал аккредитациядан ўтказилган бўлиши ва у ташкилий-услубий, шунингдек ишлаб чиқариш каби фаолият юргазади. Марказ фаолияти бўйича лицензияга, ходимлари эса аккредитациядан ўтган бўлиши керак. Унинг вазифалари ССВ томонидан белгиланган бўлиши керак.

Кимё-фармацевтик, радиофармацевтик, ҳайвон ва ўсимликлардан олинган гормонлар, витаминлар, фермент препаратлар, антибиотиклар, ташхис қўйиш учун мўлжалланган воситаларнинг давлат назорати ССВ қошидаги бош бошқармаси томонидан дори воситаларини стандартлаш ва экспертиза қилиш Давлат маркази ёки бошқа аккредитациядан ўтган Марказлар орқали амалга оширилади.

Давлат назоратидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва импорт орқали келаётган барча дори воситалари, тиббиёт техникаси ва тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар ўтказилади.

Дори воситалари сифатининг Давлат назорати қуидаги тартибда олиб борилади:

- дастлабки назорат;
- кейинги танлаб назорат ўтказиш;
- арбитраж назорат.

Дастлабки назоратдан қуидаги дори воситалари ўтказилади:

- ЎзРССВ томонидан биринчи марта тиббиётда ишлатишга рухсат этилган;
- саноатда биринчи марта сериялаб ишлаб чиқарилаётган;
- биринчи марта янги технология бўйича олинган янги дозада, дори шаклда ва таркибда сериялаб ишлаб чиқарилаётган;
- сифати ёмонлашгани сабабли Бош Бошқарма томонидан шу назоратдан ўтказиш талаб этилган дори воситалари.

Ишлаб чиқарувчи корхона янги дори воситасини ишлаб чиқариш ҳақида бош Бошқармага маълум қилиб, ундан дастлабки назорат ўтказиш ва препаратни қайд этиш ҳақида рухсатнома олиши, дастлабки сериялардан (5 та дан кам бўлмаган) намуналар юбориши керак.

Сериялардан дастлабки назорат учун намуналар олиш ишлаб чиқарувчи корхонадаги назорат қилувчи хизмат томонидан олиб борилади. Намуналар Бошқармага тасдиқланган рўйхат бўйича юборилади. Инъекцион эритмалар ва қўз томчилари мавжуд инструкциялар талабига биноан «Механические включения» кўрсаткичи бўйича текширилган бўлиб, олинган натижалар назорат таҳлил лабораториялари томонидан Бошқарманинг кўрсатмаларига асосан ёзма равища келтирилган бўлиши керак, ҳамма ишлаб чиқарилган дори воситаларининг намуналари Бошқармага ЎзРССВ да қайд этилган уларнинг дори моддаси (субстанция), шунингдек уларнинг сифатини баҳоловчи хужжат билан биргаликда тақдим этилади. Қайд қилиш гувохномасини ёки рухсатномасини олмагунча барча сериялаб ишлаб чиқарилган дори воситалари сотувга рухсат этилмайди. Дори воситаси сифатида (5 та сериядан кам бўлмаган) меъёрий хужжат (МХ) талабларига жавоб берган тақдридагина Бошқарма томонидан ушбу дори воситаси дастлабки назоратдан кейинги назоратга ўтказилади. (ёзма равища “қайд қилиш варақаси”).

Агар дори воситасининг сифати талабга жавоб бермаса, у дастлабки назоратдан яна қайта ўтказилади, бунда сериялар сони Бошқарма томонидан кўрсатилади. Дастлабки назорат шартнома асосида экспертиза маркази томонидан ўтказилади.

Кейинги танлаб ўтказиладиган назоратдан барча сериялаб чиқариладиган дори воситалари ўтказилади.

Ушбу назоратдан ўтказиш учун намуналар ишлаб чиқарувчи корхонанинг сифатини баҳоловчи мутахассислар томонидан дори воситасини олишнинг барча босқичларида, яъни хом ашёдан тортиб то сақлаш жараёнигача олиб борилади.

Тайёр маҳсулот сифатни баҳоловчи Давлат стандарти – Давлат фармакопеясининг “Таблеткалар”, “Инъекцион дори турлари” ва бошқа

умумий мақолалари, шунингдек хусусий меъёрий ҳужжатлар (ВФМ, ФМ) бўйича баҳоланади.

Хозирги кунда саноатда ишлаб чиқарилган дори воситалари дорихона рецептурасининг 95% дан ошигини ташкил этиб, уларнинг ишлатилиши янада ошиб бормоқда. Саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг фармацевтик таҳлили биринчи навбатда ишлаб чиқарувчи корхонанинг НТБ (назорат техник бўлими (ОТК)) да, кейинчалик НТЛ (назорат таҳлил лабораторияларда (КАЛ)) олиб борилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган дори шакллари, индивидуал дори моддалардан фарқ этиб, улар кўп компонентли, яъни таъсир этувчи моддалар битта бўлмай, бир нечта, шунингдек улар таркибида тўлдирувчилар – шакар, крахмал, тальк, глюкоза, натрий гидрокарбонат ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Тўлдирувчилар индифферент бўладилар, аммо уларнинг физико-кимёвий хоссалари танланган таҳлил усулига, дори воситасининг турғунлигига, ташки кўринишига, сақланишига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг таҳлил усусларини танлаш нухоятда катта аҳамиятга эга ва бунда ушбу дори воситаси таркибига кирган ҳар бир дори модданинг физикавий-кимёвий хусусиятлари эътиборга олиниши керак.

Намуналар ушбу корхонанинг назорат қилувчи хизмати ва Бошқарманинг (фарминспекция) вакиллари билан биргалиқда олинади. Намуналарни шунингдек Бошқарманинг кўрсатмасига биноан бошқа корхоналарнинг вакиллари билан биргалиқда ҳам (даволаш корхоналари, дорихоналар) олиш мумкин.

Намуналар қадоқланган бирликлар бўйича ташки кўрикдан (қадоги ва ёрлиғи бузилмаган) ўтгандан сўнг З та босқичда олинади:

1-босқич: қадоқланган ўрамлардан (яшик, қоп, коробка ва б.) бирлик олиш;

2-босқич: ўрамлар ичидаги қадоқланган (флакон, банка, коробка ва б.) бирлик олиш;

3-босқич: бирламчи қадоқдаги маҳсулотдан намуна олиш (ампула, флакон, туб ва б.).

Бирламчи қадоқдаги маҳсулотнинг ташки кўриниши текширилгандан сўнг сифатни МҲ асосида синовлардан ўtkазиш мақсадида намуна таҳлиллар олиб бориш учун етарли микдорда олинади.

Ўртача намуна олиш “ўртача намуна олиш акт”и билан тугалланади. Актда дори воситасининг номи, серия тартиб рақами, дори воситасининг таҳлил учун олинган умумий микдори кўрсатилиши шарт. Акт СНҚБ бошлиғи ва назорат-таҳлил лабораторияси вакили (ёки талабгор) киритилган хайат томонидан тузилади ва имзоланади.

Намуналар корхонанинг хати, ўртача намунани олиш ҳақидаги акти ҳамда ушбу дори воситасининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргалиқда Марказга юборилади. Дори воситасининг сифати талабга жавоб бермаган тақдирда Бошқарма ишлаб чиқарувчи корхонага ёзма хулоса ва таҳлил баённомасини тақдим этади.

Арбитраж назорат ўтказиш. Дорилар сифати тўғрисида шубҳа туғилиб, уни етказиб берувчи корхона билан қабул қилиб олувчи муассаса ўртасида келишмовчиликлар бўлганда арбитраж назорат ўтказилади.

Давлат инспекцияси тиббиёт саноати ва фармация бирлашмасига қарашли барча муассасаларда дori моддалари сифати устидан назорат ўтказишни ташкил қиласди ва унинг қай даражада йўлга қўйганлиги, корхоналарнинг дорилар ишлаб чиқариш жараёнида Давлат стандартлари, техник шартлар, Давлат фармакопеяси ва бошқа меёрий хужжатлар талабига риоя қилишини текшириб туради. Давлат назорат инспекцияси меёрий хужжати бўлмаган ёки унда кўрсатилган талабларга тўла жавоб бермаган дори-дармон ва тиббиётга зарур техника воситаларини рўйхатдан чиқариш ҳамда уларни тақиқлаш хукуқига эга.

Кириш назоратидан корхона омборхонасига келиб тушган барча хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотлар ўтказилади. Улардан намуналар олинади. Намунанинг бир қисми таҳлил учун ишлатилади, иккинчи қисми эса 3 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади. Ёрдамчи маҳсулотлар 3 йил сақланади.

Таҳлил натижалари ижобий бўлган тақдирда материал-техник таъминоти бўлимига хом ашёни ишлаб чиқариш бўлимига ўтказиш учун рухсат берилади. Бунда хом ашёни “ишлатиш мумкинлиги тўғрисида хабар хати” расмийлаштирилади.

Агар таҳлиллар натижаси салбий бўлса СНҚБ га хабар берилади, СНҚБ “талабларга жавоб бермаслиги тўғрисида хабар хати” расмийлаштиради ва хом ашё серияси “яроқсиз”деб ёрлиқланади. Яроқсиз деб топилган маҳсулотга акт тузилади ва уни буюртмачи, таъминловчи ва арбитраж назорати вакиллари имзолайдилар.

Босқичма-босқич (операцион) корхона ичидаги назоратини ўтказиш тартиби. Мазкур назорат ишлаб чиқариш таркибига кириб, у жараённи назорат этиш ва керак бўлганда ишлаб чиқариш параметрларини тузатиш учун мўлжалланган жараёндир. Босқичма-босқич корхона ичидаги назорат ишлаб чиқариш регламентига технологик жараёнларнинг мослигини текшириш ва параметрлардан четланишларни ўз вақтида аниқлашни амалга оширади.

Танлаб назоратни ўтказишда қуйидаги васифалар амалга оширилади:

- меёрий хужжат талабларига ускуналар тавсифи ва назорат-ўлчов аппаратларининг мос келиши;
- технологик жараёнларнинг риоя этилиши ва оралиқ маҳсулотларнинг сифати;
- техник хужжат талабларига хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотларнинг мос келиши;
- иш жойларида меёрий хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг холати;
- иш жойлари ва цехларнинг санитар холатлари.

Мазкур назорат бевосита ишлаб чиқариш цехларида цех ходимлари, керак бўлса цех ёки участка бошлиғи иштирокида олиб борилади.

Назоратларнинг яна бир тури бу ходимлар назоратидир. Бунда уларнинг белгиланган талаб асосида ишлаб чиқаришдаги ўз касбига мослиги, гигиенаси, технологик киймини кия олиш ва ундан фойдалана олиши каби томонлари назорат этилади.

Ходимларнинг квалификациясига қўйилган талаблар корхоналарда ишлаб чиқилган касбий йўриқномаларда, гигиеник талаблар эса корхонадаги ички фармойишларда белгиланган бўлади ва улар ходимларга етказилади.

3-мавзу. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда СТД формати. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

Режа:

1. Дори воситаларининг СТД формати.
2. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби. Ҳалқаро тажриба

Таянч иборалар: CTD формат, ICH, резюме, рўйхатдан ўтказии досьеси

Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни сотиш учун лицензияни олиш СТД формати

2002 йилда ICH доирасида хуқуқий хужжат – умумий техник хужжат (УТХ) - (**общий технический документ – СТД -Common Technical Documentation**) ишлаб чиқилди. Мазкур хужжатда қайд этиш (регистрацион) досье тузилиши ва дори воситаларини сотиш мақсадида товар лицензиясини олиш талабномасини тақдим этишнинг умумий қоидалари белгиланган. Шунингдек, ушбу хужжатда досьени тайёрлаш вақтида қандай раҳбарий хужжатлардан фойдаланиш, уларни қай тарзда тузиш кераклиги, тадқиқотларни олиб бориш тартиблари бўйича қўрсатмалар келтирилган. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни сотиш учун лицензияни олиш СТД формати (“Информация для заявителей”, редакции 2001 г, том 2B, <http://pharmacos.eudra.org/F2/eudralex/vol-2/home.htm>) асосан ЕХ давлатлари учун ишлаб чиқилган эди. 2003 йил 1 июлдан бошлаб мазкур хужжатдан ҳалқаро тан олинган энг яхши намуна сифатида фойдаланиш, ICH доирасидаги АҚШ, Япония ва ЕХ давлатларида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун хужжатларни қайд этилган кўринишда тақдим этиш белгиланди.

УТХ 5 та модулдан ташкил топган. 1-модулнинг таркиби Европа Комиссияси томонидан ЕХ давлатларининг масъул органлари ҳамда Европа Агентлиги билан ҳамкорликда кўриб чиқилган. 2-5 модуллар барча ЕД учун бир хил таркибга эга.

1-модулда (административ маълумотлар) маъмурий, регионал ва миллий маълумотлар берилган (сотиш учун лицензиянинг шакли, дори препаратининг қисқача хусусияти, аризачи таклиф этган, ёрлиқлаш, аннотация – қўшимча варага, эксперталар ҳақида маълумотлар, сертификатлар ва б.).

2-модулга (СТД резюмеси) дастлабки резюме –сифат бўйича умумий резюме, малакали ва тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан тайёрланган клиникагача ва клиник синовлар ҳақида қисқача умумлаштирувчи маълумот, экспертларнинг қисқача хulosаси ва уларнинг имзоси, экспертларнинг (ички ёки ташқи) резюме-хulosаси (хисоботлар) ва имзоси, аризачи –фирма (спонсор) томонидан тайёрланган бўлимнинг қисқача умумлаштирувчи маълумоти каби хужжатлар киритилган.

3-модулда (сифат) препаратнинг физикавий, кимёвий ва биологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Ушбу маълумотлар ICH Harmonized Tripartite guideline, the CTD, Module 2: Quality Overall Summary (QOS) Module 3: Quality, 2000 M4G йўриқномаси талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак.

4-модул клиникагача бўлган синовлар тўғрисидаги хисоботларга бағишланган. Токсикологик ва фармакологик тадқиқотларга тегишли ҳужжатлар (препаратнинг фаол субстанция ва тайёр дори шакли асосида ишлаб чиқилган) матн форматида клиникагача бўлган маълумотлар резюмеси (2-модулдан) ва клиникагача бўлган тадқиқотлар хисоботида (4-модуль) келтирилган бўлиши керак. Ушбу хисоботлар ICH Harmonized Tripartite guideline, the CTD for the registration of Pharmaceuticals for human use, Safety: Nonclinical Summaries and Organisation of Modulee 4, 2000 M4S йўриқномаси талаблари асосида тақдим этилиши керак.

5-модул клиник синовлар тўғрисидаги хисоботларга бағишланган. Клиник тадқиқотларга тегишли ҳужжатлар (препаратнинг тайёр дори шакли асосида ишлаб чиқилган) матн форматида клиник синовлар маълумотлари резюмеси (2-модулдан) ва клиник тадқиқотлар хисоботида (5-модуль) келтирилиши керак. Ушбу хисоботлар ICH Harmonized Tripartite Guideline, the CTD for the Registration of Pharmaceuticals for human use, Efficacy: Module 2: Clinical Overview and Clinical Summary, Module 5: Clinical Stuc Reports, 2000 M4E йўриқномаси талаблари асосида тақдим этилган бўлиши керак.

Дори моддаси учун СТД форматнинг таркиби

1. Номланиши (МНН, фармакопеявий номи, компания ёки лаборатория коди, миллий номи, масалан Япониядаги ёки американадаги, қайд этиш рақами);
2. Тузилиши (тузилиш формуласи, стериоизомери, молекуляр массаси, нисбий молекуляр массаси);
3. Умумий хоссалари (физикавий, кимёвий, биологик ва б.)
4. Ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш жараёнининг баёни (ишлаб чиқариш схемаси, реакция тенгламалари, реактивлар, оралиқ маҳсулотлар ва б.)
5. Биотехнологик жараёнлар учун хужайраларни экиш ва уларни йигиш
6. Тозалаш ва модификациялаш реакциялари
7. Биотехнологик маҳсулотлар учун тўлдириш, сақлаш ва ташиш
8. Материалларни назорат этиш (дори воситасини ишлаб чиқаришда фойдаланиадиган барча маҳсулотлар: хом ашё, ёрдамчи воситалар ва х.к.
9. Хом ашё сифатининг назорати
10. Оралиқ маҳсулот ва критик босқичлар назорати
11. Жараён валидацияси ва/ёки уни баҳолаш
12. Ишлаб чиқариш жараёни
13. Тузилишини исботлаш ва бошқа тавсифлари
14. Ёт аралашмалар
15. Дори моддаси сифатининг назорати
16. Аналитик услублар

17. Аналитик услублар валидацияси
18. Сериялар (туркумлар) таҳлили
19. Спецификацияларни асослаш
20. Қадоқлаш тизими
21. Турғунлиги
22. Яроқлилик муддати ва сақланиш шароити ҳақидаги маълумотлар

Дори препарати учун СТД форматнинг таркиби

Препаратнинг тарифи ва таркиби, унинг эритмасини тайёрлаш учун тавсия этилаётган эритувчилар

1. Фармацевтик ишлаб чиқиш
2. Дори препаратини ташкил этувчи моддалари. Дори субстанцияси
3. Ёрдамчи моддалар
4. Таркибни ишлаб чиқиш.
5. Физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари
6. Ишлаб чиқариш жараёнини ишлаб чиқиш
7. Қадоқлаш тизими
8. Микробиологик хусусиятлари
9. Айни вақтда бир-бирига мос келиши (совместимость)
10. Ишлаб чиқариш. Серия (туркум) учун таркиб
11. Ишлаб чиқариш жараёнигин баёни ва жараён назорати
12. Оралиқ маҳсулот ва критик босқичлар назорати
13. Жараён валидацияси ва/ёки уни баҳолаш
14. Спецификациялар
15. Аналитик услублар
16. Аналитик услублар валидацияси
17. Спецификацияларни асослаш
18. Ёрдамчи моддалар (ўсимлик ёки ҳайвондан олинган)
19. Янги ёрдамчи моддалар
20. Стандарт намуналар ва моддалар
21. Қадоқлаш тизими
22. Турғунлиги ҳақидаги резюме
23. Яроқлилик муддати ва сақланиш шароити тўғрисидаги маълумотлар

Дори воситаларини ишлаб чиқиш, уларнинг хусусиятларини (физик-кимёвий, фармакологик) ўрганиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва б. соҳадаги глобаллашув жараёнлари дори воситалари ҳавфсизлиги, фаоллиги ва сифатига қўйилган ҳалқаро талабларни кучайишига, шунингдек уйғунлашувига олиб келмоқда.

Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўtkазish дори бозорини барча кўрсаткичлари бўйича мувофиқлаштиришда асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади: рухсат этилган воситалар рўйхати, уларнинг фаоллиги, ҳавфсизлиги ва сифати, врачлар ва беморлар учун йўриқномалар ва б. Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўtkazishning хозирги кундаги асосий мақсади ишлаб чиқарувчининг берган маълумотлари асосида мазкур

маҳсулотни бозорга чиқаришга рухсат бериш каби муаммони ҳал этишдан иборат ва у GMP қоидалари билан узвий боғланган.

WHO нинг маълумотларига кўра қўпгина давлатлар фармацевтик маҳсулотлар муомаласи соҳасида кучли назорат тизимида эга.

Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш

Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш қўйидаги вазифаларни ўз ичига олган: хуқуқий асоси, қайд этиш сиёсати, рўйхатдан ўтказиш талабномасининг турлари ва хажми, рўйхатдан ўтказиш учун тайёрланадиган ҳужжатларни расмийлаштириши бўйича услугбий кўрсатмалар, рўйхатдан ўтказиш жараёни, рўйхатдан ўтказгандан кейинги ўзгартиришлар ва рўйхатдан ўтказувчи ташкилот.

Бугунги кунда дори воситаларини қайд этиш жараёни қўйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. қонуний асослари;
2. қайд этиш сиёсати;
3. рўйхатдан ўтказиш учун талабнома турлари ва кўриниши;
4. қайд этиш учун тўпланган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича услугбий кўрсатмалар;
5. қайд этиш жараёни;
6. рўйхатдан ўтгандан кейинги ўзгартиришлар;
7. қайд этувчи орган.

Мазкур кетма-кетликларни амалга оширишда маълум регионал ва миллий фарқлар ҳам мавжуд, масалан, Америка, Европа ва бошқа мустақил (Норвегия, Австралия ва б.) моделларни олиш мумкин. Баъзи давлатларда ушбу жараён фармацевтик маҳсулотларни лицензиялаш, баъзиларида – уларни сотиш учун ёки олиш учун рухсат бериш, ёки мақуллаш (АҚШ) дейилади. Европада бу жараён миллий ва регионал босқичларда амалга оширилади ва ЕХ давлатларининг барчасига таалуқли бўлиб, уни мустақил эксперtlар амалга оширади.

Дори воситаларини қайд этишнинг қонуний асослари. Дори воситаларини қайд этиш жараёни дори воситалари тўғрисидаги қонунларнинг марказий қисмини ташкил этади. Давлат дори воситаларини сотиш ва тарқатишини, шунингдек қайси дори воситасини рўйхатдан ўтказиш кераклигини тартибга солади. Ривожланган мамлакатларда рўйхатдан “дори воситаси” эмас балки “фармацевтик (ёки доривор) маҳсулот”, яъни маълум ишлаб чиқарувчининг тайёр дори воситаси ўтказилади. Субстанциялар эса рўйхатдан ўтказилмайди, аммо фармакопея талаблари (ёки мастер-файл) асосида баҳоланади. Конунда қайд этиш органларининг вазифалари, қайд этиш ҳужжатлари ва уларга қўйилган талаблар, уларни кўриб чиқиши қоидалари ва муддатлари белгиланган бўлади.

Дори воситаларини қайд этиш сиёсати. Дори воситаларини қайд этиш сиёсати дори воситалари тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилиган. Бу сиёсат либерал (ЕХ давлатларида каби) ёки чекловчи бўлиши мумкин. Масалан, Европа директиваларига кўра дори воситаси факат фаоллиги, ҳавфсизлиги ёки сифати бўйича талабларга тўғри келмаса қайтарилиши

мумкин. Бошқача қилиб айтганда дори воситасининг фармацевтик бозорда худди шундай ўхшаши бўлганлиги ёки нархи баландлиги сабабли рўйхатдан ўтказмаслиги мумкин эмас (бундай давлатларда қайд этилган дори воситаларининг сони 25-25 мингтани ташкил этади). Норвегияда эса фақатгина янги оригинал дори воситалари рўйхатдан ўтказилади (қайд этилган дори воситаларининг сони 5 мингта).

Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома турлари ва кўриниши. Бугунги кунда қайд этиш органларида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш мақсадида талабноманинг 3 хил кўриниши мавжуд:

- тўлиқ талабнома (инновацион ёки оригинал препарат учун);
- қисқартирилган талабнома (дженериклар учун);
- қайд этилган препарат талабномасига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар.

Дженериклар учун қайд этиш жараёни қисқартирилган кўринишида амалга оширилади ва одатда “ҳавфсизлик” ва “фаоллик” бўйича хужжатлар талаб этилмайди. Тақдим этилаётган хужжатлар тўплами “рўйхатдан ўтказиш учун досье – регистрационное досье” деб юритилади. Рўйхатдан ўтказиш учун досье 4 та асосий бўлимлардан иборат: “резюме досье- досье резюмеси”(маҳсулот ва уни ишлаб чиқарувчи тўғрисида маълумот), “сифат”(маҳсулотнинг физик, кимёвий ва фармакологик хусусиятлари, ишлаб чиқариш ва назорат тўғрисида маълумотлар), “ҳавфсизлик”(клиникагача бўлган синовлар, ҳайвонларда ёки б. ўрганилган тиббий-биологик хусусиятлар) ва “фаоллик” (клиник синовлар натижалари).

Хозирги кунда ICH талаблари асосида “Умумий техник хужжат” (общий технический документ-СТД Директива Евросоюза 2003/63/ЕС от 25 июля 2003 г) ишлаб чиқилган.

“Умумий техник хужжат”(СТД) 5 модулдан ташкил топган:

- 1-модуль - регионал административ маълумот;
- 2-модуль – сифат, клиникагача ва клиника бўйича резюме ва умумлаштирувчи маълумот;
- 3-модуль –“сифат” бўлими;
- 4-модуль –клиникагача бўлган синовлар тўғрисида хисобот;
- 5-модуль –клиник синовлар тўғрисида хисобот.

Шу ерда резюме ва умумлаштирувчи маълумот тўғрисида айтиб ўтиш жоиз. Резюме мустақил эксперт томонидан тузилади ва имзоланади, унда рўйхатдан ўтказиш мақсадида маълум бўлим маълумотларининг яроқлилигини баҳолаш натижалари келтирилган бўлади. Умумлаштирувчи маълумот эса ариза берган ташкилот томонидан ишлаб чиқилади ва бунда досье таркиби умумлаштирилади.

Қайд этиш учун тўпланган хужжатларга талаблар. Қайд этиш учун тўпланган хужжатларнинг таркиби ва хажми, шунингдек тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмалар кўпгина давлатларда қонуности актларда белгилаган бўлади. Мазкур талаблар сифат тизимининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказиш учун досье (регистрационное досье – РД) тайёрланган хужжатларини текшириш, рўйхатдан ўтказиш жараёнини енгиллаштиради ва тезлаштиради.

Талабларни 2 та тоифага бўлиш мумкин: 1.бор бўлган маълумотлар (ишлаб чиқариш жараёнининг баёни, татқиқотларни (турғунлик, биосамарадорлик, фармакологик, токсикологик ва б.) олиб бориш услублари ва уларнинг натижалари келтирилган;

2.ЕХ нинг инструктив-услубий кўрсатмалари. Улар бир қанча бўлимларда (А.И.С ва Д) ёритилган бўлиб, ўнлаб ҳужжатларни ўз ичига олган. Мазкур ҳужжатларда янги препаратларнинг фармацевтик, фармакологик, экологик ва клиник татқиқотлар муаммолари, шунингдек ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва сифатни таъминлаш каби масалалар ёритилган бўлади.

Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнига тақдим этилаётган ҳужжатларни кўриб чиқиши қоидаси ва муҳлати, тўлиқ талабнома (инновацион ёки оригинал препарат учун), қисқартирилган талабнома (дженериклар учун), қайд этилган препарат талабномасига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш, апелляция механизмининг мавжудлиги, қайд этиш тўловлари ва бошқа элементларни киритиш мумкин.

Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиша баъзада қисқартирилган жараёни қўлланилади, бунда дори воситасининг фармацевтика бозорида тезлик билан пайдо бўлиши тиббиёт ёки социал амалиётда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай дори воситалари учун рўйхатдан ўтказишнинг барча босқичларида ушланиб туришлар олиб ташланади, клиник синовларнинг З-фазаси тугалланмасдан сотиш хуқуки берилади. Ушбу ҳолатда клиник синовларнинг З -фазаси 4-фазага айланади.

Талабномаларни кўриб чиқиши ташқи эксперtlар ва назорат тизими томонидан амалга оширилади. АҚШ да бундай ишларни давлат органлари амалга оширади. Баъзан тақдим этилаётган ҳужжатлар тўплами бир неча нусхаларда бўлади ва бунда улар турли рангдаги жилдларга жойлаштириллади. Масалан, спецификациялар ва аналитик услублар қизил рангдаги жилдга, ишлаб чиқариш баёни-кўк жилдга, фармакологик-яшил ранг ва х.к. Бундай саралаш регистрацион органларнинг техник хизматчиларига қулайлик яратади, яъни уларни рангига қараб осонгина тақсимлаш имкони бўлади: спецификациялар – назорат-таҳлил лабораторияларига, ишлаб чиқариш баёни – GMP инспекторларига ва х.к. Шу туфайли бундай ҳужжатларни текшириш тезлашади.

Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида энг қийин томонларидан бири бу талабномаларни кўриб чиқиши муҳлатидир. Белгиланган 6 ой муҳлат ўзини оқламади, шунинг учун қайд этиш жараёнини босқима-босқич кўриб чиқиши тизими жорий этилди (талабнома ҳужжатларини кўриб чиқиши регламенти - Европача тизим), яъни ҳар бир босқичга алоҳида вақт ажратилади (жами 210 кун), етишмаётган ҳужжатларни етказиш учун кетган вақт умумий вақтдан олиб ташланади (“соатнинг тўхтаб қолиши” тамоили).

Рўйхатдан ўтгандан кейинги ўзгартришлар. АҚШ ва ЕХ давлатларида сифатсиз маҳсулотларни чиқариш ҳавфи ва истемолчига ҳавф

туғдириши даражасига қараб рухсат этилган ўзгартиришларнинг аниқ таснифи келтирилган.

ЕХ давлатларида ўзгартиришлар 2 турга бўлинган: муҳим бўлмаган I (А ва В) жами 47 тури ва II-муҳим бўлган (янги талабнома талаб этилади). Бундай холларда тартибга солувчи орган билан дастлабки рухсат келишиб олинади, муҳим бўлмаган холларда эса тўғридан – тўғри ўзгартириш киритилади.

• Агар дори воситаси учун янги таркиб танланган бўлса, янги талабнома тақдим этилади, янгитдан қайд этилади ва янги шаходатнома берилади, шаходатнома мухлати унга берилган вақтдан бошлаб хисобланади.

• Муҳим бўлмаган ўзгартириш ёки қўшимчалар учун тартибга солувчи органдан рухсат олинади ва ўзгартириш учун талабнома тақдим этилади. Бунда аввалги қайд этиш рақами қолади ва мухлати ўзгартирилмайди.

• Муҳим бўлган ўзгартиришлар ҳакида тартибга солувчи органга хабар берилади ва агар органдан рад этиш жавоби олинмаса (масалан 2 ой), унда ўзгартиришлар органнинг рухсатисиз ҳам амалга оширилади.

• Унчалик муҳим бўлмаган ўзгартиришлар сўнги ҳабарларда келтирилади ва улар йиллик хисботларга киритилади.

Рўйхатдан ўтказиш органи. Ривожланган мамалакатлар тажрибаси ва WHO нинг тавсияларига кўра дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш органи ССВ қошида бўлиб, соҳага таалуқли бўлган барча масалаларни ўз қўлига олган институт ёки агентлик кўринишидаги мустақил орган бўлиши кераклигини кўрсатди. Аксарият холларда мазкур назорат органларининг номи ва вазифалари қонунлаштирилган бўлиб, уларнинг бюджети парламент томонидан тасдиқланади. Органнинг раҳбари ССВ дан ҳам юқори даражада бўлган ташкилот томонидан тайинланади ва олиб ташланади. Яъни ССВ назорат органининг фаолиятига таъсир кўрсата олмайди.

Масалан, АҚШ нинг озиқ-овқат ва дори маҳсулотлари бўйича Администрациясини олайлик, 1988 йилда қонунда аниқ кўрсатиб берилди, яъни Администрация америка Департаменти (ССВ) таркибига киритилди, шу билан биргаликда Администрация раҳбари (комиссар) Президент томонидан сайланиб парламентнинг юқори палатаси (Сенат) томонидан тасдиқланадиган бўлди, администрациянинг бюджети эса Конгресс томонидан белгиланди. Худди шундай тизим фармацевтик ишлаб чиқариши ривожланган бошқа давлатларда, жумладан Буюк Британи, Франция, Швеция, Австралия ва б. мавжуд.

ССВ асосан органнинг фаолияти, талабномаларни кўриб чиқиши муддатлари, қабул қилинаётган қарорлар юзасидан умумий назорат олиб боради, тиббиётга керак бўлган дори воситаларини қайтарилмаслиги ва фаоллиги кам бўлган дори воситаларини рўйхатдан ўтказмасликни кузатиб туради.

Дори воситасини қайд этиш учун тақдим этилаётган хужжатлар конфеденциал бўлиб, уларни ҳаттоқи фармакопея қўмитаси ва комиссия ҳам кўришга ёки экспертиза қилишга ҳаққи йўқ, гарчи спецификациялар

лойиҳаларини текширишда тегишли мутахассислар қатнашишлари мумкин. Шунинг учун орган ходимлари ва ташқи экспертлар тегишли шартномаларни имзолайдилар.

АҚШ да дори воситаларини қайд этиш

АҚШ да дори воситаларини қайд этиш, ишлаб чиқариш корхоналар инспекцияси, махаллий ва импорт қилинаётган барча маҳсулотлар сифатини назорат қилиш бўйича FDA – food and drug Administration шуғулланади. Умуман олганда АҚШ да дори воситаларини қайд этиш тизими мажуд бўлмай, у ерда “мақуллаш” деб аталади ва дори воситаларининг реестри ҳам мавжуд эмас. Назорат марказлашган холда олиб борилади. Федерал аҳамиятга эга бўлган қонунлар ва фармойишларни АҚШ конгресси (миллий давлат органи) тасдиқлайди, унинг ижроси эса FDA томонидан таъминланади. Дори воситаларининг сифатини назорат этиш бўйича 4 та федерал қонун ишлаб чиқилган:

Federal Food, Drug and Cosmetic Act

Generic Drug Enforcement Act

Fair Packigning and Labelling Act

Public health Services Act

Дори воситаларини қайд этиш қуйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

- янги дори воситасининг клиник синовларини ўтказиш учун талабнома (IND);
- янги дори воситаси учун арзнома (NDA);
- янги дори воситаси (женерик) учун қисқартирилган арзнома (ANDA);
- дори воситасининг мастер-файли учун талаблар (DMF).

Европа Ҳамдўстлик давлатларида фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

Европа Ҳамдўстлик давлатларида фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиша қуйидаги ҳуқуқий асосларга таянилади:

Қарорлар (постановление-regulations) барча ЕХ давлатларига мажбурий хисобланади ва улар миллий стандартлар тарикибига киритилиши шарт эмас.

Қоидалар (rules) ва кўрсатмалар (guidelines) барча ЕХ давлатларига мажбурий хисобланади.

Директивалар (directives) барча ЕХ давлатларига мажбурий хисобланади ва улар миллий стандартлар тарикибига киритилиши шарт.

Қарорлар (decisions) барча ЕХ давлатларига мажбурий хисобланади .

Таклифлар (recommendations) барча ЕХ давлатларига мажбурий эмас, аммо улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дори воситалари устидан Давлат назорати ЕХ га аъзо мамалакатларининг давлат органлари ҳамда фармацевтик инспекциялар (фаолият PIC/S томонидан мувофиқлаштирилади) томонидан амалга оширилади. Дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи қоидалар 9 жилдда ифода этилган. Масалан, 2 жилдда дори воситасини қайд этиш учун

керак бўладиган хужжатлар рўйхати, қайд этиш досьеси (общий технический документ-common technical document-CTD), 3 жилдда дори воситасининг сифати, безараарлиги ва фаоллиги бўйича ICH нинг йўриқномаси, 4 жилд-GMP нинг умумий ва хусусий талаблари ва б.

Европа давлатларида фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиша минтақавий ва миллий стандартлар уйғунлаштирилган, ва аҳамиятли жойи шундаки, маҳсулотни рўйхатдан ўтказилаётганда талабномага ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган эксперталарнинг мазкур дори воситасининг “сифат”, “ҳавфсизлиги” ва “фаоллиги” тўғрисида берган хуносалари илова қилиниши керак. Шунингдек, европа моделининг ўзига хос томонларидан бири бу “сифат” бўлимидан “фармацевтик ишлаб чиқариш” қисми, сифат “досье” бўлимида спецификация қисмини Европа фармакопеясини хисобга олган холда баҳолаш, дозаланган дори воситалари учун хом ашё сифатида фойдаланиладиган фармацевтик субстанцияларнинг сифатини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари – “Мастер-файл”(DMF) нинг Европача варианти ва “Европа фармакопеясининг сертификати”дир.

Европа Давлатларида фармацевтик маҳсулотларнинг ягона бозорини ташкил этиш мақсадида EEC/2309/93 қарор билан 1995 й Европа парламенти томонидан тиббиёт маҳсулотлари сифатини назорат этиш бўйича Европа агентлиги ташкил этилди –The European Agency for the Evaluation of Medical Products – EMEA.

EMEA асосий вазифаси:

- тиббиёт маҳсулотларининг сифатини объектив баҳолашни таъминлаш муаммолари бўйича шуғуланаётган илмий салоҳиётдан фойдаланиш;
- соҳа мутаҳассислари ва истеъмолчига дори воситалари ҳақида керакли маълумотларни тақдим этиш;
- ягона Европа бозорига кириб келаётган янги дори воситасини истеъмолчига етиб бориши жараёнини ишлаб чиқиш;
- Фармаконадзор ташкилоти томонидан дори воситалари ҳавфсизлигини назорат этиш.

EMEA 2 та илмий қўмита ва доимий фаолят юритувчи секритариатдан ташкил топган (дори воситаларини патентлаш ва ветеринария учун қўлланиладиган маҳсулотлар бўйича).

Европа Давлатларида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва сотиш учун лицензия олиш бўйича 4 жараён қабул қилинган: марказлашган ва марказлашмаган, миллий ва ўзаро тан олиш жараёни.

Марказлашган жараён асосан биотехнологик ва инновацион йўл билан олинган, ҳамда орфан (кам учрайдиган касалликлар) дори воситалари учун қўлланилади. Фармкомпания EMEA ни қайд этишдан 7 ой олдин марказлашган жараён асосида ўз дори воситасини рўйхатдан ўтказиши ҳақида хабардор қиласи. Мазкур давлатнинг назорат этувчи органининг эксперти ҳужжатларни илмий ўрганиб чиқади ва хисобот тайёрлайди. Ҳужжатлар CTD форматда тайёрланади. Рўйхатдан ўтиш учун тайёрланган ҳужжатлар тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлиқлигига яхшилаб

текширилади (210 кун). Агар давлат мазкур дори воситасига эхтиёж сезса у экспертиза жараёнининг тезлаштирилган туридан фойдаланиши мумкин (150 кун). Экспертиза тугагандан сўнг аризачига хulosаларни жўнатади. Хulosha ижобий ёки акси бўлиши мумкин. Агар жавоб ижобий бўлса дори воситаси учун рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида шаходатнома берилади ва 5 кундан сўнг талабгор дори воситаси тўғрисида маълумот, ёрлиқлаш ва тиббиётда қўллаш бўйича йўрикнома (ЕХ 20 хил тилда) тақдим этиши керак бўлади. ЕМЕА ҳар иили рўйхатдан ўтказиш бўйича олиб борган ишлари юзасидан маълумотларни чоп этади.

Ҳар бир ЕХ давлати ўзининг қайд этувчи миллий органи ва тизимиға эга. Бунда фармкомпания ЕХ хохлаган давлатида ўз маҳсулотини қайд этиши мумкин.

Марказлашмаган жараёнда фармкомпания дори воситасини рўйхатдан ўтказиш мақсадида бир вақтнинг ўзида талабномани бир неча давлатларга тақдим этиши мумкин. Дори воситаси бир давлатда рўйхатдан ўтгандан сўнг кейинчалик ЕХ нинг бошқа давлатида ҳам тан олиниши мумкин (ўзаро тан олиш). Дори воситасини илк қайд этган мамлакат референт давлат бўлиб хизмат қиласи ва у бошқа давлатларга бу ҳақда ҳабар беради. Дори воситасининг сифати, ҳавфсизлиги ва фаоллиги бўйича олинган хulosалар нусхаларини бошқа қизиққан давлатларга етказади. Дори воситаларини бозорда сотишга рухсат олиш учун уларни рўйхатдан ўтказиш учун керак бўладиган барча хужжатлар тақдим этилади: жавобгар шахс, керак бўлса ишлаб чиқарувчи корхонанинг доимий турар жойи, дори воситасининг номи, сифати тўғриси маълумотлар, олиниш технологияси, терапевтик фаоллиги, дозаси ва б., шунингдек ўзи яшаётган давлатда дори воситасини сотиш учун олган рухсатномаси, учинчи давлат томонидан мазкур дорини сотиш учун берилган бошқа рухсатномалар, эксперталарнинг хисоботлари ва хужжатлар экспертизаси.

ЕМЕА тақдим этилган хужжатларни яхшилаб текширади, керак бўлса бошқа эксперталарни таклиф этади. Рухсатнома 5 йилга берилади. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олишнинг марказлашмаган турида бир давлатда дори воситасини сотиш учун лицензия олган фармацевтик компания Европа ҳамдўстлиги аъзоси бўлган бошқа давлатларига олинган рухсатномани тан олишларини сўраб мурожаат этади.

Ҳавф хатарларни олдини олиш мақсадида ЕХ давлатларидағи доимий равища ишлаб чиқарувчи корхоналарида GMP талаблари бўйича текширувлар олиб борилади.

Россия Федерациясида дори воситаларининг сифатини назорат этиш ва рўйхатдан ўтказиш

Россия Федерациясида дори воситаларининг сифатини назорат этиш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: рўйхатдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш (реализация).

РФ да дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш “Дори воситалари ҳакида” ги Федерал қонуни (1998 й 22 июн -86 ФЗ, ўзgartиришлар киритилган 2003 й) “Правила государственной регистрации лекарственных

средств” 19 мақоласи ҳамда 2000 й 2 январдаги №5-ФЗ “О внесении изменения и дополнения” асосида олиб борилади. Бунда ишлаб чиқарувчи дори воситасининг безараблиги ва фаоллигини кафолатлаши ва исботлаши керак, шунингдек маҳсулот экспертиза қилиниб тасдиқланган бўлиши керак. Экспертизани РФ ССВ қошидаги дори воситалари ва тиббий техника сифати, ҳавфсизлиги, фаоллигини назорат этиш Давлат назорати Департаменти амалга оширади. Рўйхатдан ўтган дори воситаси реестрга киритилади ва 5 йилдан сўнг қайта рўйхатдан ўтказилиши керак. Департамент таркибида дори воситаларининг давлат назорати, экспертиза миллий маркази, фармакологик қўмита, фармакопея қўмитаси, этика бўйича қўмита ва бошқа ихтисослашган комиссиялар, шунингдек клиник синовлар олиб борувчи бўлим, қайд этиш бўлими, қайд этилган дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи бўлим, муҳим ва зарур ДВ нинг нархини қайд этувчи бўлимлар кирган.

Рўйхатдан ўтаётган дори воситаси Департамент томонидан клиник синовлардан ва аналитик таҳлилдан ўтказилади ва шундан сўнг реестрда қайд этилиб, шаходатнома берилади.

Охирги маҳсулот сифатининг назорати аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан амалга оширилади (сертификатлаштириш). 1998 йил 16 апрелда сертификатлаш тизими жорий этилди. Унга кўра дори воситаларининг безараблиги ва фаоллиги ишлаб чиқарувчи томонидан кафолатланиши, сертификатлаштириш орқали тасдиқланиши белигилаб берилди. Дори воситасини сертификатлаштириш ишларини марказий орган - РФ ССВ дори воситасини сертификатлаштириш бўйича Марказ ва дори воситаларининг назорати Институти (Департамент қошидаги) олиб боради.

Четдан кириб келаётган дори воситаси рўйхатдан ўтаётган вақтда тасдиқланган МХ асосида, махаллий дори воситаси эса ФМ, ВФМ, КФМ ва баъзан чет эл фармакопеялари асосида сертификатлаштирилади. Дори воситасини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлаштиришдан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари доимий равишда текшириб турилади.

РФ да қайд этишнинг тезлаштирилган жараёни мавжуд бўлиб, унга кўра РФ да муомалада бўлган илгари рўйхатдан ўтган дори воситалари, ўсимлик хом ашёсидан ёки синтетик йўл билан олинган дори воситаларини олиш учун мўлжалланган моддалар каби маҳсулотлар ССВ томонидан 3 ой мухлат ичига қайд этилади.

Қайд этиш жараёни 5 та босқичда амалга оширилади.

1 босқич. Қайд этиш досьесини тайёрлаш (КФМ ёки МХ асосида)

2 босқич. РФ ССВ га қайд этиш досьесини тақдим этиш

3 босқич. Фармакологик қўмита ва дориларни клиникагача ва клиник экспертизасини ўтказувчи Институтида досьенинг клиник-фармакологик маълумотларни экспертиза қилиш.

4 босқич. Фармакопея қўмитаси ва дори воситаларини стандартлаш Институти (ИСЛС) томонидан меъёрий хужжат (МХ) лойихаси ва дори воситасининг сифатига қўйилган талабларни экспертиза қилиш.

5 босқич. Қайд этиш шаходатномасини бериш (5 йилга).

4-мавзу. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими. ЎзР фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этилиши

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими.
2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этилиши.
3. Дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг янгича тенденцияси.

Таянч иборалар: GMP, GLP, GCP, GDP ва GSP, экспертиза, стандартлар

Ўзбекистон Республикасида дори соҳасидаги стандартлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, тиббиёт маҳсулотлари, тиббиёт буюмлари, дори воситалари ҳамда Республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган дори воситалари таркибидаги инсон саломатлиги учун заарли моддалар миқдорини аниқлаш масалалари бўйича – ЎзРССВ қошидаги дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиши Бош бошқармаси (ДВТТСНҚ Бош бошқармаси) томонидан амалга ошириб келмоқда.

ДВТТСНҚ Бош бошқармаси ЎзР Вазирлар махкамасининг 1995 йилнинг 5 майдаги 181-сонли карори асосида ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига дори ва ташхис қўйиш воситалари, тиббиёт техникаси, тиббиёт буюмлари устидан давлат назоратини олиб бориш, тиббиёт техникаси ва дори воситаларини экспертиза қилиш, стандартлаш, рўйхатга олиш ва сертификациялаш билан шугилланувчи ташкилотлар ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш ишлари юклатилган.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси қошида 4 та қўмита (фармакопея қўмитаси, фармакология қўмитаси, наркотик моддаларни назорат қилиш қўмитаси, янги тиббиёт техникаси қўмитаси) ва 3 та бўлим (фарм назорат бўлими, сертификация ва рўйхатга олиш бўлими) фаолият юритади.

Дори воситаларини сифат стандартларини экспертизага тавсия этиш ва тасдиқлаш. Дори воситаси сифат стандартини ишлаб чиқсан корхона раҳбари томонидан имзоланган МХ лойихасига қўйидаги хужжатлар кўшиб топширилади:

- дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг бошлиги номига ариза;
- аниқлаштириш хати;
- сифат стандарти лоихасида келтирилган сон кўрсаткичларни тасдиқловчи аналитик жадваллар (дори воситасининг камидаги 5 та сериясида, иммунобиологик препаратлар учун эса намунанинг Зта сериясида);

- дори воситасининг ишлатилиши ҳақида йуриқнома (янги дори воситаси учун);

- препаратнинг патент тозалигини тасдиқловчи патент формулярлари ёки ушбу сифат стандартининг патент тозалигини текшириш шарт эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома (янги дори воситаси учун);

- сифат стандарти лоихасида келтирилган кўрсаткичларни, Давлат фармакопеяси ва чет эл фармакопеяларида келтирилган кўрсаткичлар билан солиштириш жадвали;

- қадоқланган ва ёрлиқланган дори препаратининг намуналари.

Дори воситасининг сифат стандарти лоихасига бериладиган аниқлаштириш хатида қуйидаги маълумотлар баён этилади:

- сифат стандартини ишлаб чиқсан корхонанинг номи;

- препарат синтези ёки технологияси ҳақида қисқача маълумот;

- дори воситаси ёки субстанцияси сифат стандарти лоихасида келтирилган кўрсаткичлар ва меъёрларни аниқлаш усувларининг кенгайтирилган баёни;

- сифат стандартининг лоихаси қандай технологик ҳужжатлар асосида намуналининг нечта сериясида ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумот;

- Давлат фармакопеясининг умумий талабларидан четланиш кўзатилган тақдирда, бу холат тўла асосланади;

- Дори воситасининг чет элда қўлланиладиган ўхшашлари (аналоглари) бўлса, уларнинг сифатини солиштириб аниқланганлиги тўғрисида маълумот берилиб, ушбу дори воситаси қайси чет эл фармакопеясида ёки бошқа адабий манбада келтирилганлиги кўрсатилади.

Агар дори воситаси янги бўлса бу ҳақида ҳам кўрсатилади.

Аниқлаштириш хати ва тахлил натижаларининг жадвали сифат стандартини лоихасини ишлаб чиқсан корхона раҳбари томонидан имзоланади.

Дори воситасининг сифат стандарти дори воситалари экспертизасининг Давлат маркази томонидан текширилиб, лозим бўлган тақдирда бошқа ихтинослик муассасалари ҳам жалб этилади.

Сифат стандартининг экспертизасида лоиханинг илмий – техник савияси, унинг дори воситалари меъёрий ҳужжатларига қўйилган замонавий талабларга мослиги текширилиб қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- дори воситасининг сифат меъёрлари ва истеъмолчи учун қадоқланниши ДФ ва бошқа стандартларнинг талабига мослиги;

- сифат меъёрлари қийматлари, келтирилган кўрсаткичлар ва яроқлилик муддатининг асосланганлиги;

- кимёвий номенклатура, физиковий бирликларнинг қийматлари, келтирилган атамаларнинг аниқлиги ва бир хилдалиги.

Меъёрий ҳужжатнинг экспертизасида иштирок этган шахслар ушбу иш жараёнида олинган маълумотларнинг конфиденциаллиги учун масъулдирлар. УФМ, ФМ ва КФМ фармакопея қўмитаси томонидан, Давлат фармакопеяси эса Ўзбекистон Республикасининг ССВ томонидан тасдиқланади.

Дори воситалари экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази (Тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш) нинг худудий органлари мавжуд бўлиб, улар вилоятларда дори воситалари ва тиббий техниканинг сифатини назорат этиб турадилар.

Ўзбекистон Республикасида GMP қоидаларини татбиқ этиш бўйича ишлар бошқа ҲД билан бир вақтда бошланди ва 1996 йилда ҳалқаро, регионал ва миллий талаблар асосида миллий раҳбарий хужжат РД Уз 19-01-96 тасдиқланди. Кейинчалик ЎзР фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари сонининг ўсиши (140 тадан ошди) натижасида янги хужжат ишлаб чиқилди GMP – соҳа стандарти TSt 19-01:2003 “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”. ЎзР Президентининг 2012 йил 26 мартағи ПҚ -1731 қарори ва ВМ нинг 2012 йил 10 апрелдаги 23-сонли баённомасида мамлакат иқтисодиётининг фармацевтик секторидаги асосий вазифалар ва йўналишлар белгилаб берилди. Унга кўра маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш маҳсулотларини экспорт қилиш потенциалини кучайтириш кўзда тутилган. Шунингдек ЎзР ССВ, “Узфармсаноат”ДАК ва “Узстандарт”Агентлигига WHO GMP қоидалари асосида маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарининг босқичма – босқич ўтиши, миллий стандартларни ҳалқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ва соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш режасини ишлаб чиқиш юклатилди. Мазкур режанинг ижроси сифатида ЎзР ССВ дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош Бошқармаси қошида фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этишини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлим ВМ нинг 2014 йил 10 февралдаги 12-сонли қарори 2.7. бандига биноан фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида тасдиқланган миллий стандартлар GMP, GLP, GCP, GDP ва GSP талабларига риоя этилаётганлигини инспекция қилиш ва мослиги тўғрисида сертификатлар бериш ҳамда юқорида қайд этилган стандартлар асосида миллий инспекторат тайёрлаш бўйича маъсул орган этиб тайинланди. Мазкур бўлимга қуидаги вазифалар юклатилди:

- ✓ Ҳалқаро талаблар асосида меъёрий хужжатларини такомиллаштириш;
- ✓ Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарига ҳалқаро стандартларни жорий этиш жараёнини тезлаштириш;
- ✓ Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сонини кўпайтириш;
- ✓ тасдиқланган миллий стандартлар GMP, GLP, GCP, GDP ва GSP талабларига риоя этилаётганлигини инспекция қилиш ;
- ✓ Соҳа мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ҳалқаро миқёсга кўтариш.
- ✓ Хозирда ЎзР ССВ томонидан маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчиларнинг паспортлари тузилди.
- ✓ Бугунги кунга келиб ҳалқаро стандартлар (Европа GMP си) билан уйғунлаштирилган ЎзР нинг Давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва 2013 йил 13 февралда 42-сонли ЎзР ССВ томонидан тасдиқланди, “Ўзстандарт” Агентлигига рўйхатдан ўтказилди:
- ✓ GMP - “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” GMP Oz DSt 2766:2013 (Европа GMP си)

- ✓ GLP - “Яхши лаборатория амалиёти” GLP Oz DSt 2762:2013 (**РФ GLP**)
- ✓ GCP - “Яхши клиника амалиёти” GCP Oz DSt 2765:2013 (**ICH GCP**)
- ✓ GDP - “Яхши дистрибутерлик амалиёти” GDP Oz DSt 2764:2013 (**Европа GDP си**)
- ✓ GPP - “Яхши сақлаш амалиёти” GSP Oz DSt 2763:2013 (**WHO тавсиялари**)

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 25 апрелда кабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида”ги қонунида (1999 йил 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) асосий тушунчалар белгилаб берилган.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 декабрдаги 352-сон қарорига биноан дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ушбу Низом «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди. Низом қуидаги бўлимлардан иборат:

- I. Умумий қоидалар
- II. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар
- III. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган хужжатлар ва намуналар
- IV. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши, гувоҳнома бериш ёки беришни рад этиши тўғрисида қарор қабул қилиш
- V. Рўйхатдан ўтказиш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши
- VI. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириши, унинг амал қилиши муддатини узайтириш, дубликатлар бериш
- VII. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриши, тўхтатиши ва уни бекор қилиши
- VIII. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестри

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) томонидан қуидаги схема бўйича амалга оширилади.

Хорижий дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар учун рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш Низомга мувофиқ амалга оширилади.

ЎзР ССВ ДВТТСНҚББ да дв сифатини назорат қилиш босқичлари:

Дастлабки Давлат назорати:

- Қайд этиши учун тўпланган хужжатларнинг бирламчи экспертизаси;

- Таҳлил усулларининг қайтарувчанлигини лаборатория шароитида апробацияси;
- ДВ МҲ нинг экспертизаси;
- Эксперт кенгаши томонидан рўйхатдан ўтказиш тартибини қўриб чиқиши.

Кейинги ўтказиладиган назорат:

Субстанциялар, ёрдамчи моддалар ва қадоқлов воситаларининг кириш назорати;

ДВ сифатини босқичма -босқич назорат этиши;

Ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотнинг сифат назорати;

ДВ сертификация учун синовлардан ўтказиш.

Қайд этиш досьеси (регистрационное досье)

- 1- қисм. Умумий хужжатлар
- 2- қисм. Кимёвий, фармацевтик ва биологик хужжатлар
- 3- қисм. Фармакологик ва токсикологик хужжатлар
- 4- қисм. Клиник хужжатлар

Экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш

- 1 - қисм. Экспертиза мақсади ва хажмини аниқлаш
- 2 - қисм. Рўйхатолди экспертизаси
- 3 - қисм. Ташқи экспертиза (талаб этилганда)
- 4 - қисм. ДВ ни рўйхатдан ўтказиш бўйича қарор

Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ва намуналар.

Рўйхатдан ўтказиш учун Бош бошқармага қуидагилар тақдим этилади:

а) ариза;

б) белгиланган тартибда йиғилган, қисмлар бўйича гурухланган, бетлари қисмлар бўйича рақамланиб, тегишли равишда ариза берувчи тадбиркорлик субъекти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг бир хилдаги икки нусхаси;

в) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида дори воситаларининг учта саноат серияларида (хорижий дори воситалари учун битта серия) уч маротаба синовлар ўтказилиши учун зарур бўлган миқдордаги ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатларида мувофиқ синовлар ўтказилиши учун зарур бўлган миқдордаги стандарт намуналари, субстанциялар (дори моддалари), ёт ва ўхшаш моддалар стандартлари, маҳсус реактивлар ва уларнинг сифат сертификатлари.

Бош бошқарма дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ишларини белгиланган тартибда, тегишли бўлимлар орқали амалга оширади.

Бош бошқарма дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризасини ариза қабул қилинган санадан бошлаб 180 иш кунидан ошмайдиган муддатда қўриб чиқади, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беради ёки беришни рад этади.

Бош бошқарма дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини баҳолаш доирасида ишлаб чиқариш шароитларини, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини, сифати, самарадорлиги ва ҳавфсизлиги, қўллашда кутилаётган самаранинг инсон саломатлиги ҳавфига нисбатини дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида мустақил равишда ёки учинчи томонни ёхуд холис экспертларни жалб этган ҳолда қуйидаги экспертиза ишлари, текширувлар, синовлар, таҳлиллар, тадқиқотлар, ўрганишлар ва илмий-техник баҳолашларни ўтказади:

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
 - дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш шароитлари, ишлаб чиқарувчи муассасанинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат назоратини олиб бориш қоидалари талабларига мувофиқлигини, сифатни бошқариш тизимини (дори воситаларининг сифатини мувофиқлаштирувчи халқаро стандартлар ишлаб чиқарувчи ташкилотда жорий этилган бўлса) баҳолаш, аниқлаш мақсадида инспекцион текширувлар ўтказиш;
 - дори воситалари ва тиббий буюмларнинг лаборатория синовлари ва таҳлилларини ўтказиш;
 - таркибида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган дори воситалари ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
 - фармакологик, токсикологик тадқиқотлар ўтказиш;
 - клиникадан олдинги тадқиқотлар, биоэквивалентлик синовлар ўтказиш.
- Дори воситалари ёки тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказишида Бош бошқарма бўлимлари белгиланган тартибда қуйидагиларни амалга оширади:
- а) рўйхатдан ўтказиш бўлими:
 - дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш учун ариза қабул қилингандан сўнг ариза ҳамда унга илова қилингандан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг намуналари ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини бирламчи (дастлабки) экспертизадан (текширувдан) ўтказади. Экспертиза жараёнида ариза ва ҳужжатларни тақдим этишининг мақсади, дорининг тури ва фармакотерапевтик гуруҳига мувофиқ талаб этилган ҳужжатлар тўплами кўриб чиқлади;
 - дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш учун ариза ҳамда илова қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг намуналарини ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Давлат марказига, Фармакология, Фармакопея, Янги тиббий техника қўмиталарига, шунингдек Наркотикларни назорат қилиш қўмитасига (дори воситалари таркибида гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этади;
 - б) Давлат маркази лабораториялари:

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, кимёвий, фармацевтик, биологик ва техник қисмларини экспертизадан ўтказади;

- норматив хужжатларни баҳолайди, дори воситалари ва тиббий буюмлар намуналарининг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича синовлар ўтказади;

- синовлар баённомаларини, дори воситалари ёки тиббий буюмлар хужжатларини Фармакопея, Фармакология ва Янги тиббий техника қўмиталарига тақдим этади;

в) Фармакопея қўмитаси:

- дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, кимёвий, фармацевтик ва биологик қисмларини, лаборатория синовлари баённомаларини экспертизадан ўтказади;

- фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, шунингдек таъсир этувчи ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда, ариза берувчидан норматив хужжатларга муқобил усусларни, қўшимча таҳлил қилиш кўрсаткичлари ва усусларини киритишни ёки уларни алмаштиришни талаб қиласди;

- мустақил эксперталарни жалб этган ҳолда рўйхатдан ўтказиш хужжатларини экспертизадан ва такрорий экспертизадан ўтказади;

- текшириш усусларини такрорлаш мумкин бўлмаганда, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, сезирлиги ва аниқлиги етарли бўлмаганда қўшимча синовлар, шунингдек норматив хужжатлар усусларига синовдан ўтказиш талаб қиласидан ўзгартиришларни киритиш учун Давлат марказининг тегишли лабораторияларига дори воситаларининг намуналарини ва хужжатларини юборади;

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатларини тасдиқлади;

- тақдим этилган хужжатлар ва эксперталар хulosалари асосида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида Эксперталар кенгашига тавсиялар беради;

г) Фармакология қўмитаси:

- фармакология ва (ёки) дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, фармакологик, токсикологик ва клиник қисмларини экспертизадан ўтказади;

- мустақил эксперталарни жалб этган ҳолда фармакологик ва (ёки) дори воситаларининг хужжатларини экспертизадан ёки қайта экспертизадан ўтказади;

- синовлар турларини белгилайди, клиник синовлар ўтказиш учун тегишли клиник базаларни маъқуллайди, клиник синовлар дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар беради ва уларни маъқуллайди;

- тақдим этилган маълумотлар ва эксперталар хulosалари асосида Эксперталар кенгашига клиник синовларсиз ёки клиник синовлар асосида

дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида тавсиялар беради;

- дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномани ёки уларга киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлайди;
- фармокологик огоҳлик бўйича фаолиятни амалга оширади;
- д) Янги тиббий техника қўмитаси:
- рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, кимёвий, биологик, техник қисмларини, лаборатория таҳлиллари баённомаларини, шунингдек клиник (тиббий) синовлар материалларини экспертизадан ўтказади;
- мустақил эксперталарни жалб этган ҳолда тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказиш хужжатларини экспертизадан ва такрорий экспертизадан ўтказади;
- тиббий буюмларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, аккредитациядан ўтган лабораторияларда ёки тиббий буюмларнинг ўрнатилган жойида синовларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
- клиник (тиббий) синовлар дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар беради ва клиник (тиббий) синовлар дастурларини келишади;
- синовлар турларини белгилайди, клиник (тиббий) синовлар ўтказиш учун тегишли клиник базаларни маъқуллайди;
- тиббий буюмларнинг клиник синовлари ўтказилишини назорат қиласида;
- тиббий буюмларни қўллаш ва маркировка қилиш бўйича йўриқномаларни ёки уларга киритиладиган ўзгартириш ёки қўшимчаларни тасдиқлайди;
- тиббий буюмларнинг норматив хужжатларини келишишга ёки тасдиқлашга тайёрлайди;
- тақдим этилган хужжатлар ва эксперталарнинг хulosалари асосида Экспертлар кенгашга тиббий буюмларни клиник синовларсиз ёки клиник (тиббий) синовлар асосида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида тавсиялар киритади;
- е) Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси:
- таркибида гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган дори воситаларининг рўйхат ўтказиш хужжатларини экспертизадан ўтказади;
- таркибида гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган дори воситаларини экспертизадан ўтказиша давлат назоратида бўлган гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатида ушбу моддаларнинг мавжудлигини, уларни тиббиётда қўллашга рухсатномаларни, шунингдек уларни шифокор рецепти бўйича бериш зарурлигини кўриб чиқади ҳамда Фармакология ва Фармакопея қўмиталарига таклифлар киритади;
- ж) Фарминспекция:
- янги дори шакли ёки тиббий буюмнинг турини ишлаб чиқариш, сифатини назорат қилиш ташкил этилган тақдирда дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш ва

сифатни назорат қилиш шароитларининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда сифатни назорат қилиш қоидаларига мувофиқлигини текширади;

• текшириш натижаларига кўра дори воситаси ва тиббий буюмнинг тегишли турини ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш шароитларининг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома беради;

з) Халқаро стандартларни фармацевтика соҳасига жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими текшириш натижаларига кўра дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш корхонасининг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида хulosा беради.

5 –мавзу. Дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг янгича тенденцияси (2 соат)

Режа:

1. Дори воситаларининг хаёт цикли
2. Дори воситаларининг сифатига қўйилаётган талаблар
3. Қалбакилаштирилаётган дори воситалари тўғрисида

Таянч иборалар: ISO, дори воситаларининг сифати, концепция, элементлар, тамиоллар

Бугунги кунда маҳсулотларнинг сифатини таъминлаш муаммоси инсон ҳаёти ҳавфсизлигини иқтисодий, социал ва экологик жиҳатдан оширишнинг муҳим омилларидан хисобланади. Мавжуд адабиётларда ва амалиётда сифат тушунчасига таъриф берилган.

Масалан, стандартлаш бўйича ҳалқаро ташкилот ISO 9000:2000 стандартида “сифат” тушунчасига қўйидагича таъриф берилади: *сифат - ўзига хос хусусиятларни талабларга мос келиш даражаси*.

Дори воситаларининг сифат мезонлари (WHO бўйича):

-фаоллиги ва ҳавфсизлиги;
-меъёрлар, синовлар ва усуслар бўйича сифат қўрсаткичлари талабларга жавоб беришидир.

Дори воситасининг сифати (FDA АҚШ):

- қўлланишга яроқлилиги (ҳавфсизлик, самаралилик, фойдаланиш учун қулайлиги);
- маҳсулот ва жараёнлар ҳақидаги илмий ечимларнинг етарлилиги;
- истеъмолчилар талабларига мослиги.

Дори воситаларининг сифати – дори воситалари Давлат сифат стандартига дори воситаларининг мос келиши (РФ нинг “Дори воситалари тўғрисида”ги қонуни).

Хозирги кунда дори воситалари муомаласидаги сифат тушунчасини мустаҳкамлайдиган асосий хуқуқий хужжат бу Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунидир (2009 й). Унга кўра *дори воситаларининг сифати* – дори востиасига белгиланган мақсадга мувофиқ истеъмолчилар талабларини қондириш қобилиятини берувчи хусусиятлар йиғиндиси ва унинг меъёрий хужжатларда қўрсатилган талабларга жавоб беришидир.

Дори маҳсулотининг талаб даражада сифатли бўлишига эришмоқ учун фақатгина уни ишлаб чиқариш жараёнини текшириш ёрдамида эмас, балки тадқиқотларнинг ҳар бир босқичида, яъни хом ашё, олиниш усули, фойдаланилаётган реактивлар ва асбоб ускуналар-жиҳозлар, таҳлил усуслари, рўйхатдан ўtkазиш, сақланиши, ташилиши, тарқатилиши, клиникагача ва клиникадан сўнги тадқиқотлар ва бошқа босқичларда сифат назорати олиб борилиши керак бўлади. Қайд этилган босқичларнинг барчасида дори воситаси ёки ярим тайёр маҳсулотнинг сифати сақланиши

лозим. Ана шундагина дори воситасининг ҳавфсиз ва самарадор бўлишига эришиш мумкин бўлади.

Ҳавфсизлик ва самарадорлик исътемолчининг айнан маълум бир дори востасидан қаноатланишини ифодалайдиган омиллардан хисобланади. Яъни самарадорлик инсон организмига дорининг ижобий таъсирини белгиласа, ҳавфсизлик эса унинг безараарлигини ифодалайди. Агар ҳар бир дори воситасининг тирик организмга маълум даражада салбий таъсир кўрсатишини эътиборга оладиган бўлсак, унда у факат айнан мўлжалланган беморга нисбатан ҳавфсиз деб эътироф этилади.

Демак, “дори воситасининг сифати” қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади: самарадорлик, ҳавфсизлик, ахборот, сақланиш муддати, қўллаш қулайлиги, эстетиклиги

Бугунги фармацевтика бозори ўз бошидан глобаллашув ва интеграция жараёнларини ўтказмоқда. Ҳеч бир давлат касалликларни даволаш учун жамики дорилар хажмини ишлаб чиқара олмайди. Ҳар бир давлатнинг бошқарув идоралари ўзида ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келаётган дори воситасини рўйхатдан ўтказади ёки маркетингига рухсат беради. Ҳар бир давлат ўзининг фармацевтика муомаласини бошқарувчи ташкилотга эга ва бу ташкилот дори воситаларини экспертизадан ўтказгандан сўнггина уни сотишга рухсат беради.

Сифатни таъминлаш концепцияси GMP талаби асосида ва GXРни ҳисобга олган фармацевтик маҳсулотни сотувга чиқариш тизими бўлиб, у кенг қамровли ташкилий жараёнлар йигиндисидан иборат. Маҳсулотнинг ҳаёт циклини тўла ифодалashi, яъни унинг сифати, яратилиши, ишлаб чиқарилиши, ишлаб чиқариш лойиҳаларини тузиш, сифат назорати ва сотилиши каби барча босқичларда teng таъминлаши зарур. Мазкур тизим сифатни эркин назорат қилишни таъминлайди ва тартибга солиб туради.

Сифатни таъминлаш концепциясининг асосий мазмуни - сифат маҳсулот тайёр бўлган холида эмас балки унинг яратилиши жараёнининг барча босқичларида тўла таъминланиши керак.

Сифатни таъминлаш концепциясининг омиллари

Фармацевтик сифат тизимининг Концепцияси, ташкил этилиши ва хужжатлаштирилиши тушунарли ва ишлатишга қулай, шунингдек концепция элементлари маҳсулотнинг ҳар бир ҳаётий босқичлари учун мос бўлиши керак.

“Сифатни таъминлаш” тушунчаси “сифатни назорат қилиш”дан фарқ этади: сифатни назорат қилишда охирги натижада маҳсулотнинг сифатли қисми сифатсиздан ажратилади. Сифатни таъминлаш маҳсулот сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборатdir.

Маҳсулот сифатини таъминлаш корхона раҳбариятининг асосий вазифаларидан хисобланиб, турли бўлимлар ходимлари, шунингдек дистрибьютор ва таъминловчиларнинг ишлаб чиқаришнинг барча босқичларда иштирок этишини ва жавобгарлигини талаб этади.

Дори воситаларининг сифатини таъминлаш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

- дори восиаталари GMP ва GLP талаблари асосида ишлаб чиқарилган ва текширилган;
 - дори воситаларини тайёрлаш ва сифатни назорат қилиш жараёнлари аник ёритилган ва GMP қоидаларига мос келиши;
 - раҳбариятнинг жавобгарлиги ва вазифалари аник;
 - керакли хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш, етказиш ва ишлатилиши бўйича тадбирлар ўтказилган;
 - ярим тайёр маҳсулотнинг назорати ва валидацияси ўтказилган;
 - тайёр маҳсулот тўғри ишлаб чиқарилган ва тасдиқланган усуллар ёрдамида текширилган;
 - ДВ учун рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган маълумотнома (регистрационное досье) талаблари асосида ҳар бир дорининг туркуми текширилган бўлиши ва тасдиқланган шахс рухсатисиз мазкур маҳсулот сотилмаслиги;
 - ДВ яроқлилик муддати, сақлаш, ташиш, тарқатиш ва х.к даврида унинг сифати ўзгармаслигини кафолатловчи барча тадбирлар ўтказилган;
 - сифатни таъминлаш тизимининг яроқлилиги ва фаоллиигини доимий баҳолаш имконини берувчи сифат аудити ва/ёки ўз-ўзини текшириш (самоинспекция) тизими мавжуд бўлиши керак.

Фармацевтика соҳасидаги сифат тизими (ФСТ)

GMP ЕС, WHO ва ISO 9001 сифат менеджменти талабларини интеграциялаш мақсадида намунали фармацевтик сифат тизими бўйича ICH Q10 тавсияномасини ишлаб чиқди.

Унга кўра ФСТ нинг 3 та асосий мақсади белгилаб берилган:

- Маҳсулотни сотиш

Бунда пациентлар, соҳа мутахассислари, хуқук-тартибот орган вакиллари томонидан, ички ва ташқи истемолчиларга сифатли дори воситасини етказиб бериш учун тизими ишлаб чиқиш керак ва бу тизим татбиқ этилиши, қўллаб-қувватлаб турилиши лозим.

- Тизимли назорат ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш

Жараёнларнинг ишлашини, белгиланган талабларга мос келишини доимо таъминлаш, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш жараёнини назорат этиш, ҳамда мониторингини олиб борувчи тизим ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш керак.

- Доимий такомиллаштириш

Маҳсулот сифати, технологик жараённи мунтазам яхшилаб бориш, ўлчамлар ўзгарувчанлигини камайтириш, фармацевтик маҳсулот сифатини модернизациялаш ва яхшилаш усулларини танлаб олиш зарур.

ФСТ қўйидаги 4 қисмдан ташкил топган:

- GMP нинг асосий элементи
- ISO 9001:2008 нинг асосий элементи
- ISO 9001:2008 нинг қўшимча элементи:
 - маҳсулот сифати ва технологик жараён мониторинги
 - тузатиш/огохлантириш ҳаракати (CAPA)

- раҳбарият томонидан таҳлил қилиш
- фармацевтик сифат менеджментига киравчи ёрдам берувчи омиллар:
- билимларни бошқариш
- сифат соҳасидаги ҳавф-хатарлар менеджменти.

Қайд этилган қисмлар фармацевтик маҳсулот ҳаётий даврининг барча босқичларига, ҳаттоғи фармацевтик ишлаб чиқиш жараёнига ҳам тааллуклидир.

Фармацевтика соҳасида сифат тизимининг ривожланиши уч босқичдан иборат: *сифат назорати, сифатни таъминлаш ва сифат менеджменти (бошқарии)*.

Сифат тизими (АҚШ) бу маҳсулот ва хизматларни истеъмолчилар талабини қондиришда сифатлилигини таъминлайдиган ресурслар, жараёнларни ташкиллаштирадиган бошқарувни аниқлайдиган, шаклланган бизнес амалиётидир (“Сифат тизими: GMP талаблари” FDA, сентябр 2004й).

Сифат тизимининг аҳамияти шундаки, бунда фармацевтик ишлаб чиқариш соҳасида GMP талабларини янада чуқурроқ ва фаолроқ қўллаш имконини яратади, шунингдек текширув вақтида назоратчи томонидан фақатгина сифатни таъминлаш тизимининг мавжудлиги текширилмай, балки GMP талабларига тўлиқ риоя қилинаётганлиги ҳам назоратга олинади.

Биринчи босқич сифат назорати – *Quality control- QC* бунда асосан бошланғич материаллар ва тайёр маҳсулот сифати назорат этилар эди. Бу тизим фақатгина ишлаб чиқарилган яроқсиз маҳсулотни аниқлашга асосланган бўлиб, унинг сифатни таъминлаш концепцияси асосини истеъмолчи фақат яроқли маҳсулотни олиши керак деган гоя ташкил этади.

Сифат назорати GMP нинг бир қисми бўлиб, у дори воситасининг сифатини кафолатлаб берувчи қўйидаги вазифалар билан боғлиқ:

- намуналар олиш,
- спецификациялар,
- спецификациялар талаблари асосида тажрибаларни ўтказиш,
- ишларни ташкил этиш,
- хужжатлаштириш,
- маҳсулотларни сотувга чиқариш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ташкил этиш.

Иккинчи босқич **сифатни таъминлаш** *Quality Assurance -QA* XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Авваллари дори воситалари фақатгина дорихоналарда саноқли тайёрланган ва бунда қўйидагича занжирли боғланиш қузатилган: врач (рецепт ёзади) - фармацевт(дори тайёрлайди)-бемор (қабул қиласи), унинг сифатини назорат қилиш осон бўлган, яъни фармацевт ўзи дори тайёрлаган ва ўзи текширган.

Кейинчалик ишлаб чиқаришнинг юқори технологияларнинг пайдо бўлиши, кимё, фармакалогия, микробиология соҳасидаги ютуқлар, кимёвий синтезнинг ривожланиши, дори турларининг ва ассортиментининг кўпайиши натижасида фармацевтик бозорининг мураккаб занжири юзага келди: ишлаб чиқувчи-ишлаб чиқарувчи-врач-таксимлаш тармоғи: улгуржи савдо

ташкилотлари-дорихона муассасалари – беморлар ёки уларнинг оила аъзолари. Мазкур ҳолатда “сифатни таминаш” тушунчаси пайдо бўлди.

Сифатли маҳсулот яратилишини бошқариш учун алоҳида тизим керак – ушбу тизим “Сифатни таъминловчи тизим” дейилади. Сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришни кафолатлаш учун корхонада “Сифатни таъминловчи тизим” ташкил этилган бўлиши керак. Ушбу тизим дори воситалари ёки бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш корхонасидаги ёки хизмат кўрсатиш муассасасида ташкил этилишидан қатъий назар бир хил сифатни кафолатлаши аниқ.

Фақатгина самарадор “Сифатни таъминловчи тизим” ташкил этилган корхонада бошқа стандартлар талабига жавоб берадиган дори воситаси ёки тиббиёт буюмларининг сифати бирдек тўлиқ кафолатли бўлиши таъминланади.

Фармацевтик сифат тизими қўйидаги элементларни ўз ичига олиши керак:

- жараёнлар ўлчамлари ва маҳсулот сифатининг мониторинги;
- олдини олиш ва тузатиш бўйича фаолият олиб бориш;
- раҳбарият томонидан ўзгаришларни бошқариш ва таҳлил қилиш;
- фармацевтик сифат тизими доирасида мониторинг олиб борища индикаторлар тасдиқланган ва фойдаланилаётган бўлиши керак.

“Сифатни таъминловчи тизим” нинг асосий мақсади – бу:

- 1) ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусий талабларга доимо жавоб беришини таъминлаш;
- 2) “талабга жавоб бермайдиган” маҳсулотни ишлаб чиқаришга имкон қолдирмаслик.

Маҳсулот сифатини нима кафолатлай олади? Ушбу тушунча ишлаб чиқарилган маҳсулотни фақат уни ўзига хос хусусиятлари талабидан келиб чиқиб баҳолаш нотўғри ва бу тор қўламда ёндошишликни юзага келтиради.

Нафақат тайёр маҳсулот, балки уни ишлаб чиқарилиши ва сотилишига таълуқли бўлган барча жараёнлар маҳсус талабларга жавоб бериши керак. Ушбу талаблар аниқ қилиб корхонанинг ички хужжатларида ёзилган бўлиши лозим: хом ашё ва материаллар сифатига қўйиладиган хусусий талаблар; асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар ҳамда яrim тайёр ва тайёр маҳсулотга қўйиладиган талаблар, малакали ходимлар, ҳар жараён режалаштирилган, жараёнларни олиб бориш шароитлари, стандарт ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёни, шунингдек бошқа умумий фаолиятига қўйиладиган талаблар мажмуаси.

Корхона хужжатларида келтирилган талаблар мажмуаси бутун ишлаб чиқариш босқичлари ҳамда маҳсулот сифатига бирдек таъсир кўрсатади. Корхонадаги мавжуд хужжатларга асосланиб ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини ташкил этилганида ва ушбу хужжатларда келтирилган маҳсус талабларга риоя қилинганида тайёр маҳсулот тўлиқ кафолатланган, сифатли деб тан олинади.

Маҳсулот сифатини кафолатлаш учун ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот сифатига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган жараёнлар ва

ушбу жараёнларда иштрок этадиган ходимлар келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим ва бунга исбот ҳам бўлиши, ҳамда барча фаолият хужжатлаштирилиши керак.

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқармаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқарилган ва ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни босқичида пайдо бўлган муаммони тўлиқ ҳал этадиган мутахассислар белгиланган бўлиши керак. Ушбу ходимлар вазиятни тўлиқ тушиниши, муаммони ҳал эта олиши ҳамда яроқсиз бўлиб қолган маҳсулотни нима қилишни ва қаерга жойлаштиришни олдиндан билиши керак.

Ушбу тамоилларга амалда риоя этилиши корхонада “Сифатни таъминловчи тизим” нинг мавжудлигидан, самарадорлигидан, ҳамда ходимларнинг ўз вазифасини тўла бажарилишидан далолат беради.

Ҳар бир мавжуд тизимлар каби “Сифатни таъминловчи тизим” ҳам корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини таъминловчи бир-бири билан боғлик бўлган ва бир-бирига таъсир кўрсатадиган бошқа бўлимлар бир бутун тизимни ташкил этади.

Фармацевтика соҳасида сифат тизими ривожланишининг учинчи босқичи бу сифат менежменти ҳисобланади.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизимининг асосий элементлари

Маҳсулот сифатини бошқариш тизимининг асосий элементларига куйидагилар киради:

- маҳсулотни сотиш учун рухсат олиш жараёни
- ходимларни бошқариш жараёни (вазифалари, малакасини ошириш тизими)
- керакли хужжатларни бошқариш
- ички аудит
- ташқи аудит
- контракт асосида бажариладиган ишлар (техник ишланмаларни тузиш ва мухокама қилишдаги иштироки)
- рекламацияларни кўриб чиқиш
- қайтарилган маҳсулотлар муомаласи
- маҳсулотни қайтариш тизими
- истъемолчи ва етқазиб берувчини танлаш
- четланишларни бошқариш
- ўзгаришларни назорат қилиш
- квалификация ва валидация ишларини ташкил қилиш
- тузатиш ва олдини олиш ишлар бўйича тизим (САРА)
- сифат бўйича шархлар
- сифат учун ҳавф-хатарларни бошқариш

Сифатни таъминловчи элементлар

Ишлаб чиқариш корхонасида “Сифатни таъминловчи тизим” ни ташкил этишда бир қанча асосий мажбурий элементлар иштирок этади. Куйида ушбу элементларни кўриб чиқамиз.

1. Сифат бўйича сиёсат
2. Ходимлар жавобгарлиги ва ваколатлари
3. Сифатни таъминлаш учун масъул шахс –МШ (уполномоченное лицо-УЛ)
4. Ҳужжатлар тузилиши
5. Хом ашё етказиб берувчилар билан ишлаш
6. Контракт бўйича ишларни амалга ошириш
7. Корхонада ички аудитни (ўз-ўзини тафтиш қилиш) ўтказиш
8. Ходимларни ўқитиш
9. Ишлаб чиқариш жараёнида узвий назорат этишни таъминлаш
- 10.Ишлаб чиқариш жараёнларининг назоратини таъминлаш
- 11.Хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларнинг сифат назорати
- 12.Асбоб – ускуналар билан ишлаш
- 13.Мақсадга мувофиқ бўлмаган маҳсулот билан ишлаш
- 14.Тузатувчи ва огохлантирувчи ҳаракатлар
- 15.Тайёр маҳсулотни етказиб бериш
- 16.Сифатни қайд этиш тизими

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонуни
2. Сифатни таъминлаш концепцияси
3. Сифатни таъминлаш концепциясининг омиллари
4. Фармацевтика соҳасидаги сифат тизими
5. Дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг GMP ва GLP талаблари
6. Сифат назорати, сифатни таъминлаш тизими
7. Сифат менеджменти
8. Сифатини бошқариш тизимининг асосий элементлари
9. Сифатни таъминловчи элементлар
- 10.Ишлаб чиқаришга масъул шахснинг ваколати ва мажбуриятлари
- 11.Сифатни назорат қилиш бўлими (СНҚБ-ОКК - отдел контроля качества)
- 12.Дори воситалари муомаласи соҳасида хужжатларни тартибга солиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти роли
- 13.Дори воситалари сифатини таъминлашда ҳалқаро стандартлар. GMP қоидалари
- 14.GMP талаблари асосида ишлаб чиқаришнинг қатъий низомлари
- 15.Дори воситалари сифатини таъминлашда ҳалқаро стандартлар. ICH тавсиялари
- 16.тайёр маҳсулот ва янги субстанцияларнинг турғунлигини ўрганишда ICH тавсиялари
- 17.Дори воситалари сифатини таъминлашда ҳалқаро стандартлар. ISO талаблари
- 18.Фармацевтик инспекциялар (GMP бўйича инспекторлар) бўйича ҳамкорлик конвенцияси-PIC
- 19.Фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими ва унинг вазифалари
20. Дори соҳасидаги стандартлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш
- 21.Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш.
- 22.Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома турлари ва кўриниши
- 23.Дори воситаларини қайд этишнинг қонуний асослари.
- 24.Дори воситаларини қайд этиш сиёсати
- 25.Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома турлари ва кўриниши
- 26.Қайд этиш учун тўпланган хужжатларга талаблар
- 27.Рўйхатдан ўтгандан кейинги ўзгартиришлар
- 28.Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни
- 29.Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш. Ҳалқаро тажриба
30. АҚШ да дори востиаларини рўйхатдан ўтказиш

ГЛОССАРИЙ

Аналитик паспорт (сифат сертификати) – махсулотни ишлаб чиқарган ёки келтираётган ташкилот томонидан тақдим этиладиган ҳужжат. Унда махсулот ҳақида маълумот (номи, серия рақами, қайд этиш рақами, спецификацияларга хаволалар ва б.), мазкур серияни текшириш натижалари (спецификацияда келтирилган барча кўрсаткичлари бўйича), талабларга мос келиши ва сақланиш муддати тўғрисидаги хуносалар келтирилган бўлиши шарт ва масъул шахс (СНҚБ) томонидан имзоланган бўлади. Аналитик паспорт махсулот серияси билан тақдим этилади;

Дори воситалари — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) киради.

Дори препаратлари — дозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўллашга тайёр дори воситалари.

Дори моддалари (субстанциялари) — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган, қўллашга рухсат этилган биологик фаол моддалар.

Фармакологик воситалар — белгиланган фармакологик фаолликка эга бўлиб, клиник синов объектлари ҳисобланадиган муайян доривор шаклидаги моддалар ёки моддалар аралашмаси.

Фармакопея — дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-микдор жиҳатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами;

Фармакопея қўмитаси — дори воситалари, тиббий буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усулларига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган норматив-техник ҳужжатларни тасдиқловчи расмий эксперт органи.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси — дори воситаларини тиббий қўлланиш хукуки учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсатини тасдиқловчи ҳужжат.

Дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг давлат реестри — расмий ҳужжат бўлиб, у тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхатидан иборат.

Генерик дори воситалари (генериклар) — патент берилганларидан қолишмайдиган, лекин бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган дори препаратлари.

Гомеопатик воситалар — гомеопатик қоидаларга биноан қўлланиладиган ва давлат реестрининг махсус бўлимига киритилган дорилар.

Фармацевтик фаолият — дори воситаларини, тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни, шунингдек уларни ишлаб

чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборот бериш, етказиб бериш ва реализация қилишни қамраб оладиган фаолият.

Стандарт ёзув — дори препаратларининг даволаш хусусиятлари самарадорлиги текширилганидан сўнг тузилган таркиби.

Тиббий буюмлар — касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар.

Қалбакилаштирилган дори воситаси — таркиби ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси.

Сифатсиз дори воситаси — яроқсиз ҳолга келган дори воситаси ва (ёки) яроқлилик муддати ўтган дори воситаси.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг гайриқонуний нусхалари — интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари

Орфан препаратлар — орфан (кам учрайдиган) касалликларни олдини олиш ва даволаш учун қўлланиладиган препаратлар

Парафармацевтик препаратлар — касалликларни олдини олиш, даволашда ёрдам берувчи ва инсон органлари ва тизимининг функционал фаолиятини созлашга қаратилган фармакологик фаолликга эга бўлган муайян дозадаги табиий ёки сунъий йўл билан олинган биологик фаол моддалар

Қайд этиш досъеси – дори воситасини давлат рўйхатидан (ёки қайта рўйхатдан) ўтказиш учун талабнома билан тақдим этиладиган белгиланган таркибдаги материал ва ҳужжатлар тўплами

Яхши лаборатория амалиёти принциплари (Good Laboratory Practice (GLP): Инсон соғлигини сақлаш ва ташқи муҳит хавфсизлиги соҳасидаги синовларни ташкиллаштириш, режалаштириш, назорат қилиш ва олиб бориш тартиби, хамда расмийлаштириш, архивлаштириш ва олинган натижаларни тақдим этишга оид жараёнларини сифатини таъминлаш тизими.

Ҳомий (sponsor): Ноклиник тадқиқотларни ўтқазиш буйича тадқиқотлар ташаббусчи, буортмаларни расмийлаштирувчи, қўллаб кувватловчи ёки тасдиқловчи, уларни ташкил қилиш ва харажатларни қоплаш учун жавобгар жисмоний ёки юридик шахс.

Тадқиқотлар раҳбари (study director): Тиббий ва экологик хавфсизлик соҳасидаги ноклиник тадқиқотларни бошидан охиригача ўтказишга масъул шахс.

Жавобгар тадқиқотчи (principal investigator) - тадқиқотларни бир нечта майдончаларда ўтказилиш зарурияти туғиган ҳолда, тадқиқотлар раҳбари номидан иш юритувчи ва тадқиқотларни унга топширилган қисми учун жавобгар шахс.

Сифат – тайёр маҳсулотнинг хоссаларини белгилаб берувчи кўрсаткичлар мажмуи. Белгиланган мақсадга ва қайд этиш материалларига киритилган асосий технологик жараённинг параметрларига мос келиши.

Сифат назорати - махсулот ва жараёнларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи сифатни таъминлаш чора-тадбирлар.

Дори воситаларининг сифатини таъминлаш (drug quality assurance, pharmaceutical quality assurance) – дори воситаларининг белгиланган сифат талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган барча ташкилий чора-тадбирлар мажмуаси

Сифатни бошқариш – сифат бўйича талабларни бажаришда қўлланиладиган методлар ва фаолият турлари

Сифатни таъминлаш дастури (quality assurance programme) - асосий тадқиқотларни ўтказишга жалб этилмаган ходимлар томонидан бажариладиган ва синов маркази маъмурияти томонидан яхши лаборатория амалиёти принципларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган иш дастури.

Стандарт операцион процедуралар СОП (standard operating procedures; SOPs)- тадқиқот режасида ёки тадқиқотни ўтказиш йўриқномасида батафсил кўрсатилмаган ва аниқ бир фаолият турини бажаришда бир хилликка эришишга йўналтирилган, тадқиқотни ўтказиш жараёнлари ёки бошқа фаолият таърифланган батафсил ёзма йўриқномалар.

Стандарт намуналар (reference standards, reference substances, reference materials) - текширилаётган дори воситасининг сифатини физико-кимёвий ва биологик усуслар ёрдамида таҳлил қилишда таққослаш учун фойдаланиладиган моддалар (фармакопея мақоласида келтирилган бўлса). Улар кимёвий ва биологик стандарт намуналарга бўлинади. Битта стандарт намунадан бир вақтнинг ўзида ҳам физик-кимёвий, ҳам биологик таҳлилларда фойдаланиш мумкин.

Стандарт объект (намуна), «назорат» объекти (намуна) (reference item, «control item»)- Расмий (юридик) тасдиқланган таркибда эга бўлган, тадқиқот объекти (намуна) билан солишириш учун ишлатиладиган объект (намуна).

Партия, серия (batch, lot) - аниқ бир ишлаб чиқариш цкли давомида олинган, ҳамда бир хил характерга эга бўлган синов ўтказилувчи ёки стандарт объектнинг маълум миқдори.

Клиник синовлар –касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш (ташхис қўйиш) ва даволаш воситалари, усуслари ва технологияларининг хавфсизлиги ва безараарлигини исботлаш ёки аниқлаш учун инсон иштирокида олиб бориладиган синовлар

Клиникагача (ноклиник) бўлган синовлар – инсон соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш ва спецефик хусусиятларни ўрганиш мақсадида олиб бориладиган кимёвий, физикавий, биологик, микробиологик, токсикологик, фармакологик синовлар ва бошқа экспериментал илмий тадқиқотлар ёки текширилаётган модда ёки физик таъсирини ўрганиш, касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш (ташхис қўйиш) ва даволаш воситалари, усуслари ва технологияларининг бўйича олиб бориладиган текширувлар серияси.

Яхши ишлаб чиқариш амалиёти (Good manufacturing practice GMP) – сифатни таъминлаш тизимининг бир қисми бўлиб, у корхонада маҳсулотлар доимий равишда тегишли стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши, назорат этилиши ва мўлжалланган фойдаланишга , шунингдек савдо лицензиясига мос келишини кафолатлади.

Валидация - расмийлаштирилган текшириш бўлиб, унда танланган текшириш жараёнини амалга оширишда мазкур маҳсулотга аввалдан танланган спецификация бўйича олиниши мумкин бўлган маълумотлар тўлақонли эканлиги ҳақида юқори даражада кафиллик беришdir.

Квалификация - валидация жараенининг биринчи босқичи бўлиб, технологик ёки лаборатор асбоб - ускуналар, мухандислик тизимлари, тоза хоналар сифатининг меъёрий ва техник хужжатлар талабларига мослигини текшириш ва баҳолаш.

Лойиха хужжатларининг квалификацияси (DQ-Design Qualification) -loyиха хужжатларининг GMP талабларига мослигининг таҳлили ва расмий хулоса.

Монтаж квалификацияси (IQ -Installation Qualification) — технологик ёки лаборатор асбоб-ускуналар, мухандислик тизимларини ўрнатиш ишларининг, тоза хоналар монтажи сифатининг меъёрий ва техник хужжатлар талабларига мослигининг таҳлили ва расмий хулоса.

Фаолият кўрсатиш квалификацияси (OQ -Operation Qualification) - технологик ёки лаборатор асбоб - ускуналар, мухандислик тизимлари, тоза хоналарнинг ишлатилиш жараёнларининг ишончлилиги ва унумлилигининг меъёрий ва техник хужжатлар талабларига мослигининг таҳлили ва расмий хулоса.

Фойдаланиш квалификацияси (PQ -Performance Qualification)- технологик ёки лаборатор асбоб - ускуналар, мухандислик тизимлари, тоза хоналарнинг ишлатилиш жараёнларининг ишончлилиги ва унумлилигининг меъёрий ва техник хужжатлар талабларига мослигининг таҳлили ва расмий хулоса.

Умумий фармакопея мақоласи (УФМ) - дори шаклига қўйилган асосий талаблар ва / ёки ДВ сифатини назорат қилишнинг стандарт усуллари баёни келтирилган хужжат (дори воситасининг давлат сифат стандарти). УФМ да маълум дори шакли учун аниқланиши зарур бўлган кўрсаткичлар рўйхати ёки таҳлил усуллари, шунингдек дори воситаларининг умумий физико – кимёвий, кимёвий, биологик, биокимёвий, микробиологик таҳлил усуллари, қўлланиладиган реактивлар, титрланган эритмалар, индикаторлар ва уларига қўйилган умумий талаблар келтирилган бўлади.

Фармакопея мақоласи – маълум таркиб ва дори шаклига эга бўлган ҳар қандай ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган дори воситаси сифатини назорат қилиш усуллари ва кўрсаткичларининг мажбурий рўйхати келтирилган давлат сифат стандартидир. ФМ дори воситасининг очиқ (ҳамма тушунадиган) давлат стандарти бўлиб хисобланади. Дори воситасининг сифати давлат ёки мустақил лабораториялар томонидан текширилганда унинг бутун сақланиши муддатида ушбу стандартда келтирилган барча талабларга мос келиши керак.

Корхона фармакопея мақоласида (КФМ) (ФСП) - муайян корхона томонидан ишлаб чиқилган дори воситасининг сифат кўрсаткичлари ва назорат қилиш усуллари келтирилган бўлади. КФМ Давлат фармакопеяси ва тармоқ стандартлари асосида ишлаб чиқилади. КФМ таркибидаги ДВ сифатига қўйилган талаблар ДФ ва ФМ даги талаблардан кам бўлмаслиги керак. Янги ДВ ишлаб чиқилаётганда унинг субстанцияси учун давлат сифат стандарти мавжуд бўлмаса, унда бир вақтнинг ўзида субстанция учун ҳам КФМ тузилади. КФМ фақат ушбу корхонада ишлаб чиқарилган дори воситаси яроқли хисобланади ва у махфий (конфиденциал) хусусиятга эга бўлади. КФМ фармакопея мақолаларидан алътернатив, нисбатан қаттиқ усуллар қўлланилиши, қўшимча текширувлар борлиги билан фарқланиши мумкин.